

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

13-сон
(1137)
2024 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

106. «Жамоат транспортини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 мартдаги ПҚ–139-сон қарори
107. «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 мартдаги ПҚ–140-сон қарори
108. «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 мартдаги ПҚ–141-сон қарори

Учинчи бўлим

109. «Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган

фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 мартдаги 148-сон қарори

110. «Ўзбекистон Республикасининг «Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарори
111. «Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарори
112. «Стандартлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарори

Бешинчи бўлим

113. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 13 мартдаги 133-сон «Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3508*)
114. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 29 февралдаги 3-қ/қ ва 3-2024/ққ-сон «Профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3509*)
115. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 31 мартдаги 164-сон «Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автотототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****106 Жамоат транспорти молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хусусан, соҳани молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

ташувчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, йўлқира ҳақи бўйича тушумларни жамлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларида юридик шахс ташкил этмасдан очилган махсус жамғармаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тизимига ўтказиш;

йўлқира тушумларининг тўлиқ йиғилишини таҳлил қилиш, йўловчи ташишни молиялаштиришнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бошқармалари ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Махсус жамғармалар маблағларини бошқариш, йўналишлар ишини таҳлил қилиш ва пул тушумлари мониторинги гуруҳлари»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, «Махсус жамғарма маблағларини бошқариш, йўналишлар ишини таҳлил қилиш ва пул тушумлари мониторинги гуруҳлари» давлат муассасаларини ҳамда Транспорт вазирлигининг ҳудудий «Йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш» давлат муассасаларини сақлаш харажатлари махсус жамғармалар маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2023 йилда Транспорт вазирлигининг ҳудудий «Йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш» давлат муассасаларини сақлаш ҳамда брутто-шартнома асосида ташкил этилган шаҳар автобус йўналишларида йўловчи ташишни молиялаштириш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2024 йил 1 июнга қадар жамоат транспортида йўлқира ҳақини тўлашда электрон тўлов тизимидан фойдаланишни рағбатлантирувчи тарифлар жорий этилишини таъминласин.

4. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар ва

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 мартда эълон қилинган.

зирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзмилийбанк» АЖ билан биргаликда 2024 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳри мунтазам автобус йўналишларида йўловчилар ҳисобини юритиш, ҳайдовчилар ишини ва пул тушумларини назорат қилиш, автобуслар техник ҳолатини мониторинг қилиш, ажратилган йўлакларда йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этиш бўйича жамоат транспорти бошқаришнинг ягона интеллектуал тизимини жорий этсин.

5. Нукус шаҳар ва бошқа вилоятлар марказларида мунтазам шаҳар автобус йўналишларида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини жорий этишнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги «Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–59-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Маҳкамов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 139 март,
ПҚ–139-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**107** Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш ва ўрмон ресурсларини самарали бошқариш, шунингдек, «яшил иқтисодиёт»ни қўллаб-қувватлаш чораларини изчил давом эттириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2023 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида имзоланган молиялаштириш битими доирасида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 30 йил муддатга жами 142 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан PROGREEN траст жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг KWPF жамғармаси ўртасида тузилган грант битимлари доирасида жами 11 миллион АҚШ доллари миқдо­рида грантлар жалб этилиши;

Лойиҳанинг умумий қиймати 205,45 миллион АҚШ долларини, шу жумладан Лойиҳадаги Ўзбекистон Республикасининг улуши 52,45 миллион АҚШ долларини ташкил этиши;

Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йил (2023 — 2028 йиллар) этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, мувофиқлаштирилиши ва бошқарилиши ҳамда жалб этилган қарз маблағлари ва грантлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисобот юритилиши, қарз маблағлари ўз вақтида қайтарилиши учун масъул ижро этувчи органлар ҳисобланади;

Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи (кейинги ўринларда — Лойиҳа гуруҳи) ташкил этилади;

Лойиҳани амалга ошириш даврида Лойиҳа гуруҳининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳар йили Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 мартда эълон қилинган.

«Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасининг техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳаси бўйича Халқаро тараққиёт уюшмасининг қарз маблағларини жалб этиш ва қайтариш миқдорлари 2-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмасининг қарз маблағларидан фойдаланиш, уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 3-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳаси доирасида Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар 5, 5а — 5е-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоровга:

мазкур қарорга мувофиқ жалб этиладиган қарз маблағлари ва грантлар бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан молиялаштириш битими ва грант битимларини имзолаш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

заруратга кўра молиялаштириш битими ва грант битимларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлигининг таклифлари асосида қарзни қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларни имзолаш, шунингдек, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Адлия вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган молиялаштириш битими ва грант битимлари, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича битимлар юзасидан белгиланган тартибда юридик хулосалар берсин.

6. Лойиҳа доирасида ўрмонзорларни тиклаш ишларининг самарадорлигини баҳолаш учун тегишли ҳудудлардаги ўрмонзорларни лойиҳаларни бошлашдан олдин ва кейин «Ўзбеккосмос» агентлиги имкониятларидан фойдаланган ҳолда космик суратга олиш орқали хатловдан ўтказишга рухсат берилсин.

7. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги:

Лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар етказиб берилгунига қадар харид қилинадиган ускуналарни сақлаш, ўрнатиш ва монтаж қилиш учун тегишли бино ва хоналар тайёрланишини;

манфаатдор вазирлик ва идораларга зарур ҳисобот ва ҳужжатларни Халқаро тараққиёт уюшмасининг талаблари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим этишни;

* 1 — 5е-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лойиҳа доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур шароитларнинг яратилишини;

Лойиҳани самарали амалга ошириш мақсадида Лойиҳа гуруҳига лойиҳаларни бошқаришда юқори малакага эга чет эл мутахассисларининг жалб этилишини;

Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорга 5, 5а — 5е-иловларга мувофиқ тасдиқланган чора-тадбирларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

8. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларни 10 фоизгача миқдорда иқтисод қилиш ва Лойиҳанинг техник-иқтисодий параметрларида бажарилиши назарда тутилган ишлар (тадбирлар) кўламини кенгайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ажратиладиган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланилиши ҳамда ушбу жараёнда очиқлик ва ошкоралик таъминланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (С.И. Самадов) Лойиҳа доирасида ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан тизимли назоратни амалга оширсин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг буюртманомалари асосида Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 март,
ПҚ–140-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**108** Ислом тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–459-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ИТБ) ўртасида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) бўйича қарз ажратилиши тўғрисидаги қарор 2022 йил 31 декабрда Ислом тараққиёт банки Директорлар Кенгаши томонидан маъқулланганлиги ҳамда молиялаштириш мақсадида 2023 йил 26 апрелда 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 20 йил муддатга 260 миллион АҚШ доллари миқдорига Ҳадли келишув ва Агентлик келишуви имзоланганлиги;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Лойиҳани амалга ошириш даврида масъул ижро этувчи органнинг ҳамкори сифатида фаолият кўрсатиши;

Лойиҳанинг умумий қиймати 293,5 миллион АҚШ долларига тенг эканлиги, шундан Ўзбекистон Республикасининг улуши — 33,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиши;

Лойиҳа Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг 21 та туманидаги 157 та маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилиши, Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2024 — 2028 йиллар) ташкил этиши;

Божхона кодексига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар божхона божидан озод қилинганлиги.

2. Белгилансинки:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, ИТБ томонидан ажратилган қарзлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Лойиҳа доирасида сублойиҳаларни лойиҳаловчи ва пудрат ишларини

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 29 мартда эълон қилинган.

амалга оширувчи ташкилотларни танлаб олиш ИТБ талаблари асосида ва ушбу талабларга зид бўлмаган давлат харидлари тўғрисидаги тартиб-таомиллар асосида очик ва шаффоф усулда амалга оширилади;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар Лойиҳа бўйича имзоланган Ҳадли келишув ва Агентлик келишувларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида танланган қишлоқларда зарурий сублойиҳалар аниқлангандан сўнг, ҳар бир вилоят бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар юзасидан белгиланган тартибда Лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилади ва экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади;

Лойиҳани амалга оширишда Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» ДУКлар буюртмачи ҳисобланади;

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» ДУКлар ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси Лойиҳа доирасида иштирок этаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан тўланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

олиб кириладиган товарларни божхона божидан озод қилиш ва қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш Ўзбекистон Республикасининг улуши деб ҳисобланади.

донорнинг қарзларини қайтариш, шу жумладан қўшимча ҳақ (устама) ва фоизлар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Қўйидагилар:

«Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

«Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасининг ҳудудлар кесимида асосий техник-иқтисодий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

«Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳаси доирасида ИТБ томонидан ажратилган маблағларни бўлиб тўлаш прогноз жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги Ҳадли келишув ва Агентлик келишувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

6. Адлия вазирига Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги Ҳадли келишув ва Агентлик келишувига, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу келишув-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича битимларга белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан биргаликда Лойиҳа доирасида аҳоли орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда доимий ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — Лойиҳани амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган мутахассислар малакасини ошириш учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ўқув-тренинглар ташкил қилсин;

амалга оширилаётган сублойиҳалар ва уларнинг сифатли бажарилиши устидан мониторинг ўрнатсин ҳамда натижаси юзасидан ҳар чорак якуни билан 15 кун муддат ичида ижрочи томонидан ўзининг расмий веб-сайтида очиқ маълумотлар эълон қилинишини ташкил этсин ва бу бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин, ушбу маълумотларни бир вақтда жамоатчиликка эълон қилиш орқали лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан самарали назорат ўрнатилишини таъминласин;

Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар, ўзлаштирилган маблағлар ва эришилган натижалар юзасидан маълумотлар Лойиҳанинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда доимий ёритиб борилишини таъминласин;

б) Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари:

бир ой муддатда Лойиҳа доирасида ажратиладиган маблағлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида тегишли «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг тегишлича халқ депутатлари Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ва туманлар Кенгашларида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин;

ҳар ой якуни билан Лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳисоботларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритиб борсин.

Лойиҳани тўла-тўқис амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқилишини ва Лойиҳани амалга ошириш гуруҳига ўз вақтида тақдим қилинишини белгиланган тартибда таъминласин;

қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун Лойиҳа доирасида молия-

лаштириладиган объектлардан ташқари амалга ошириладиган чора-тадбирларни бош режа, хуудларни архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳалари ва улар таркибидаги батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида маҳаллий бюджетлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширсин.

10. Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Лойиҳа доирасида мақбуллаштириладиган маблағлар ҳисобидан 4-иловага* мувофиқ ушбу вилоятларда қўшимча равишда янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» ва «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» бирлаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи таркибида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини ташкил этсин;

«Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳаси доирасида Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳудудий гуруҳларни ташкил этсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» ва «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» бирлаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳининг тузилмасини қайта тасдиқласин ва фаолиятини йўлга қўйсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар ҳажми ортаётганлиги муносабати билан вазирлик ҳузурида «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш маркази»ни ташкил этиш юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Лойиҳа доирасида замонавий қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланган ҳолда сублойиҳаларнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқишда уларнинг қийматини оптимизация қилиш ҳамда ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш чораларини кўрсин;

сублойиҳаларнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини экспертизадан ўтказиш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларни Ислом тараққиёт банкига қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтириш бўйича таклиф киритсин.

12. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги манзилли дастурларда назарда тутилган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг қисқа муддатларда экспертизадан ўтказилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

13. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ажратил-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

14. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика штаби (С.И. Самадов) лойихага ажратилаётган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланиши устидан тизимли назоратни амалга оширсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамиятини аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказиш, ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб бориш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш чораларини кўрсин.

16. Олий Мажлис Сенатига халқ депутатлари Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Кенгашлари ҳамда 21 та туманлар Кенгашлари билан биргаликда мазкур қарор ижросини назорат қилиб бориш тавсия этилсин.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ИТБнинг ижтимоий ва экологик ҳимоялаш ҳамда кўчириш сиёсати тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, Лойиҳа компонентларини амалга ошириш ва молиялаштириш жадвалига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланаётган иловаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норкулов Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов ва Сурхондарё вилояти ҳокими У.Б. Қосимов билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ва Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган сублойиҳалар бўйича ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

19. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, шунингдек, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 28 март,
ПҚ-141-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

109 Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатган ҳолда, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ–329-сон қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида» 2023 йил 20 ноябрдаги ПФ–197-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ–329-сон қарори билан тасдиқланган 2023 — 2026 йилларда темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш бўйича «йўл харитаси»нинг 19-бандида темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилувчи «ақлли» қурилмаларни ўрнатиш орқали хавфсизлик даражасини ошириш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида» 2023 йил 20 ноябрдаги ПФ–197-сон Фармони билан «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси ҳисобидан йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида белгиланган тезликни ошириш, пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларни аниқловчи

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 мартда эълон қилинган.

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2024 йил 1 июлдан бошлаб йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» тизимларини ривожлантириш маркази томонидан «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич ўрнатилади. Бунда:

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ЙХХХ) томонидан белгиланадиган жойларга ўрнатилади;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойлар ЙХХХ томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишлари ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлилидан келиб чиқиб белгиланади.

3. Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги икки ой муддатда хавфлилик даражаси юқори бўлган темир йўл кесишмаларини хатловдан ўтказиб, манзилли рўйхатни шакллантирсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2024 — 2026 йиллар давомида «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини манзилли рўйхат асосида ўрнатиш ҳамда «Хавфсиз шаҳар» тизимларига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ҳамда аҳоли эътиборига етказилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 март,
148-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 мартдаги 148-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати;

йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқлари — бир йил давомида уч ёки ундан ортиқ ўлим, тан жароҳати ва моддий зарар етказилишига сабаб бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойлар;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими — йўллар бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида белгиланган тезликни ошириш, темир йўл кесишмалари орқали ҳаракатланиш қоидаларини бузиш, пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларни аниқлаш тизими;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг қурилмалари — транспорт воситалари томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни фото ва видео қайд этиш ускунаси, «I», «Г», «Т» ёки «П» шаклдаги металл устун, қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида сақловчи қурилма, коммутатор, маршрутизатор ва бошқалардан иборат бўлган тармоқ қурилмалари ҳамда электр қуввати билан таъминловчи қурилмалар;

«Маъмурий амалиёт» модули — йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни ҳисобга олиш, кўриб чиқиш ҳамда қоидабузарга нисбатан маъмурий тартибда жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни шакллантирувчи автоматлаштирилган ахборот тизими;

объект — махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жой;

объект паспорти — махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг қурилмалари, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жой (йўл) ва инфра-тузилма тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, тегишли далолатномалар, лойиҳа ҳужжатлари, эксперт хулосалари ва бошқаларни ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат.

3. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схемага асосан келишилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўрнатилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ваколатли орган томонидан белгилаб бериладиган объектларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» тизимларини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан ўрнатилади. Бунда объектларга ўрнатиладиган камералар сони бевосита ваколатли орган билан келишилади.

2-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатишга доир талаблар

4. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари мазкур Низом талабларига мувофиқ ўрнатилади.

5. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими мазкур Низомга 2-иловада келтирилган техник талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Бунда Марказ томонидан объект бўйича қуйидаги давлат органлари ва ташкилотларидан техник шартлар, шартномалар ёки ордер/рухсатномалар олиниши лозим:

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиали;

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг худудий корхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармаси;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ваколатли органнинг «Маъмурий амалиёт» модулига мажбурий тартибда ва техник талаблар асосида интеграция қилинади.

7. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини электр тармоғига ёки муқобил энергия манбаига улаш, уларнинг техник эксплуатацияси ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, жорий электр энергияси ва алоқа каналларининг харажатлари Марказ маблағлари ҳисобидан қопланади.

8. Объектларда муҳандислик инфратузилмаси ушбу Низомда белгиланган талабларга мос равишда яратилади.

9. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилгандан сўнг ўн кун давомида синов тариқасида ишлатилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари «Маъмурий амалиёт» модулига интеграция қилинганидан кейин синов тариқасида амал қилган даврда қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима ундирилмайди.

3-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини эксплуатация қилишга доир техник талаблар

10. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари доимий ва узлуксиз режимда ишлаши ҳамда узилишлар рўй берганда, офлайн тарзда маълумотларни тўплаш ва сақлаш, тизимнинг фаолияти қайта тикланганда эса, ушбу олинган маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Алоқа тармоқларида узилишлар қузатилганда, маълумотларни қурилмада 48 соатдан кам бўлмаган вақт давомида сақлаш имкониятига эга бўлган захира хотира қурилмаси мавжуд бўлиши талаб этилади.

11. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун 8 соатдан кам бўлмаган захира электр таъминоти бўлиши лозим.

12. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муддатларда қайта қиёлашдан ўтказилиши шарт.

13. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларининг тармоқ қурилмалари фото ва видео қайд этиш ускуналари ҳолатини (ишчи ҳолатдалигини) автоматлаштирилган тарзда мониторинг қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

14. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник қурилмалари ёрдамида қайд этилган қоидабузарликлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги фото маълумотлар 730 кундан, видео

маълумотлар 90 кундан кам бўлмаган муддатда «Маъмурий амалиёт» модулида сақланади.

15. Алоқа тармоқлари оптик толали тармоқ технологиялари ёрдамида ташкил этилади (коммутатор, маршрутизатор ва бошқалар) ҳамда тармоқнинг сўнгги нуқталарига қадар хизмат кўрсатиш учун етарли ўтказувчанликни таъминлаши лозим.

16. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ёрдамида қайд этилган қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳимояланган алоқа каналлари орқали марказий сервер қурилмасига узатилади.

17. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари етказиб берувчи корхона томонидан камида 3 йил давомида кафолатланган техник қўллаб-қувватланиши лозим.

4-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар

18. Объектга ўрнатиладиган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ахборот хавфсизлиги таъминланиши лозим.

19. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига ҳар қандай кўринишдаги қўшимча қурилма ва воситалар ваколатли орган билан келишилган ҳолда Марказ томонидан уланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар узатиш тармоғига ахборот хавфсизлиги талабларига зид равишда ноқонуний уланиш ёки уланишга уриниш тақиқланади.

21. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидаги барча маълумотлар хизмат доирасида фойдаланиш учун қўлланилади.

22. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидаги маълумотлар ваколатли органнинг рухсатсиз ошкор этилмайди, тизимдан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган техник мутахассисларнинг махфий маълумотларни ошкор этмасликлари ваколатли орган томонидан назорат қилинади.

23. Ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган техник топшириқ намунасининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонасида экспертизадан, шунингдек, дастурий маҳсулотлар ва ахборотни ҳимоя қилиш воситалари сертификатлашдан ўтказилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ҳамда «Маъмурий амалиёт» модулида мунтазам равишда ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларини мониторинг қилиш ишларини амалга оширади.

5-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини фойдаланишга топшириш тартиби

25. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими ушбу Низом талаблари асосида тўлиқ шакллантирилгандан сўнг ваколатли органнинг мазкур тизим техник талабларга жавоб беришини ўрганиш бўйича техник хулосасига асосан ишга туширилади.

26. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидан фойдаланиш қуйидаги ҳолларда вақтинча тўхтатиб турилади:

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидан йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этган транспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлашдан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланганда;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидан фойдаланиш жараёнида ушбу Низом билан тасдиқланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатлар келиб чиққанда;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига ваколатли органнинг рухсатсиз қўшимча ёки бошқа қурилма ўрнатилганда;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлик ҳолатлари бўйича «Маъмурий амалиёт» модулига юборилган маълумотлардаги хатоликларнинг умумий сони беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этганда;

ташқи таъсир натижасида тизим қурилмаларининг жойлашувида ўзгариш юз бериб, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишига тўсқинлик қилганда;

йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида, камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида, темир йўл кесишмаларида Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган тегишли йўл белгилари ўрнатилмаганда ва ётиқ чизиқлар чизилмаганда ёки ўчиб кетганда.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Ваколатли орган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими жорий этилиши ва лойиҳанинг самарали амалга оширилиши учун масъулдир.

28. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини эксплуатация қилиш жараёнида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши лозим.

29. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини жорий этиш ва эксплуатация қилишда келиб чиқадиган ёки йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тизимга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида,
камида тўрт тасмали йўллардаги пиёдалар ўтиш
жойларида, йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқла-
рида, темир йўл кесишмаларида махсус автомат-
лаштирилган фото ва видео қайд этиш
дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва
эксплуатация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига доир ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1-§. Умумий талаблар

1. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими ушбу Техник талаблар ҳамда шаҳарсозлик нормалари асосида жорий этилади.

2. Мазкур Техник талаблар ҳамда O'z DSt 1987:2018 давлат стандарти асосида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини жорий қилиш бўйича техник топшириқ ҳужжатлари ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги «Кибер-хавфсизлик маркази» давлат унитар корхонасидан экспертиза хулосаси олинади.

3. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими доирасида қуйидалар жорий этилади:

транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини фото ва видео қайд этиш тизими;

пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларни фото ва видео қайд этиш тизими;

темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини фото ва видео қайд этиш тизими.

2-§. Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига қўйиладиган умумий техник талаблар

4. Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими қуйидаги умумий техник талабларга жавоб бериши лозим:

бир вақтнинг ўзида уч ва ундан ортиқ йўл тасмаларида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлигини ҳамда рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши;

5 — 250 км/соат тезлик оралиғида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлиги ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фото ва видео қайд этиши;

ўрнатилган нуқтадан сутканинг кундузги ва тунги вақтларида ўтувчи

транспорт воситаларининг камида 95 фоизининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фото ва видео қайд этиши;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимооти ҳамда Автомототранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари, шунингдек, хорижий давлатларга тегишли автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари бўйича рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши.

5. Жорий этилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими ҳайдовчилар томонидан белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш қоидабузарлигини аниқлаши талаб этилади.

6. Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари ўчоқларида ўрнатиладиган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари мазкур Техник талабларда белгиланган тегишли талабларга жавоб бериши шарт.

7. Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилаётганда, Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган тегишли йўл белгилари ўрнатилиши ҳамда ётиқ чизиқлар чизилиши, ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қоидабузарликларни соат 07.00 дан 19.00 гача қайд этиши лозим.

3-§. Пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларни махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига қўйиладиган умумий техник талаблар

8. Пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларни махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими қуйидаги умумий техник талабларга жавоб бериши лозим:

бир вақтнинг ўзида уч ва ундан ортиқ йўл бўлаклари ҳамда чорраҳаларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши;

ўрнатилган нуқтадан сутканинг кундузги ва тунги вақтларида ўтувчи транспорт воситаларининг камида 95 фоизининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фото ва видео қайд этиши;

чорраҳаларда ҳамда уч ва ундан ортиқ йўл бўлакларида бир вақтнинг ўзида содир бўладиган қоидабузарликларни қайд этиши;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш

давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимооти ҳамда Автомототранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари, шунингдек, хорижий давлатларга тегишли автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари бўйича рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши.

Йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётган фуқароларнинг шахсини қайд этиши.

9. Жорий этилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими пиёдаларни ўтказмаслик ва фуқароларнинг йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши каби қоидабузарликларини аниқлаши талаб этилади.

10. Йўл бўйида жойлашган мактаблар олдида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилаётганда, Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган йўл белгилари ўрнатилиши ва ётиқ чизиқлар чизилиши лозим.

4-§. Темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини фото ва видео қайд этиш тизимига қўйиладиган умумий техник талаблар

11. Темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини фото ва видео қайд этиш тизими қуйидаги умумий техник талабларга жавоб бериши лозим:

темир йўл кесишмаларида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлигини ҳамда рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши;

5 — 250 км/соат тезлик оралиғида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлиги ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фото ва видео қайд этиши;

ўрнатилган нуқтадан сутканинг кундузги ва тунги вақтларида темир йўл кесишмаларида ўтувчи транспорт воситаларининг камида 95 фоизининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фото ва видео қайд этиши;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимооти ҳамда Автомототранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини, шунингдек, хорижий давлатларга тегишли автоматотранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқлаши.

12. Жорий этилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаши талаб этилади.

13. Темир йўл кесишмаларига махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилаётганда Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган йўл белгилари ўрнатилиши ва ётиқ чизиқлари чизилиши лозим.

5-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилишига қўйиладиган умумий талаблар

14. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини жойлаштириш учун автомобиль йўлининг қатнов қисмига ҳалақит бермайдиган ҳолда «I», «Г», «Т» ёки «П» шаклдаги металл устунлар ўрнатилади.

15. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари металл устунга 6 метрдан кам бўлмаган баландликда ўрнатилади.

16. Металл устунларни ўрнатиш, лойиҳалаштириш ва тегишли давлат идоралари билан келишиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

17. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилган металл устунга умумий ҳолатни кузатиш ва ўрнатилган қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 360 градус радиусдаги кузатув камералари ўрнатилади.

18. Металл устун ва транспорт воситасининг тўхташ чизиғи оралиғидаги масофа махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими қурилмаларининг техник хусусиятлари, рельефнинг мураккаблиги ҳамда муҳандислик коммуникациялари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

19. Ўрнатилган металл устунларнинг ўнг ёки чап томонидан 4 — 8 метр баландликда телекоммуникация жавони ўрнатилади. Ушбу жавон керакли алоқа ҳамда электр қурилмалари билан жиҳозланади.

6-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сақлашга қўйиладиган талаблар

20. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги барча фото маълумотлар 730 кундан, видео маълумотлар 90 кундан кам бўлмаган муддатда «Маъмурий амалиёт» модулида сақланади.

21. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари «Маъмурий амалиёт» модулига техник талаблар асосида интеграция қилиниши ва ўзаро ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

22. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар «Маъмурий амалиёт» модулига тақдим этилиши шарт:

қайд этилган транспорт воситасининг уч хил ҳолатдаги фотосурати (транспорт воситаси, унинг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, қоидабузарлик содир этилган ҳолатнинг умумий кўриниши);

қоидабузарлик қайд этилган вақт (кун, соат, дақиқа);

транспорт воситасининг тезлиги (км/соат);

қоидабузарлик қайд этилган манзил (туман (шаҳар, ёки аҳоли яшаш пункти), кўча, автомобиль йўлининг километри ёки мўлжал);

қоидабузарлик қайд этилган манзилнинг GPS координатаси;

ҳолат акс этган 6 ± 10 сониядан иборат видеолавҳа ва унинг ҳаволаси, тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик ҳақидаги видеолавҳа бундан мустасно.

23. Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимида амалга оширилган ҳар қандай амалий буйруқлар тўғрисидаги барча маълумотлар (log файллар) сақланиши лозим.

24. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар ҳамда транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар билан фақат ваколатли органнинг ходимларига масофадан туриб ишлаш имкониятининг мавжуд бўлиши талаб этилади.

25. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари доимий ва узлуксиз режимда ишлаши ҳамда узилишлар рўй берганда, офлайн тарзда маълумотларни тўплаш ва сақлаш, фаолияти қайта тикланганда эса, олинган маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиши талаб этилади.

7-§. Алоқа тармоғига қўйиладиган талаблар

26. Алоқа тармоқлари оптик толали тармоқ технологиялари (коммутатор, маршрутизатор ва бошқалар) ёрдамида ташкил этилади ҳамда тармоқнинг сўнгги нуқталарига қадар хизмат кўрсатиши учун етарли ўтказувчанликни таъминлаши лозим.

27. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар тўғрисидаги фото ва видео маълумотлар VPN (Virtual Private Network — виртуал хусусий тармоқ) алоқа канали орқали марказий сервер қурилмасига узатилиши лозим.

28. Алоқа линиясида узилишлар содир бўлганда, қайд этилган қоидабузарликларни 48 соатдан кам бўлмаган вақт давомида сақлаш учун махсус қурилма ўрнатиш, унинг ёрдамида қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни сақлаб туриш ва алоқа тиклангандан сўнг уларни марказий серверга узатиш талаб этилади.

8-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган электр таъминоти қурилмасига қўйиладиган талаблар

29. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган электр таъминоти қурилмасининг ерга уланиш контур қаршилиги тизим қурилмаларининг техник талаблари асосида ҳисобланиши лозим.

30. Электр кабель сифими ўрнатилаётган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг юкламасидан келиб чиқиб танланиши лозим.

31. Фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш учун сертификати

мавжуд бўлган ва амалдаги тизимларга мос бўлган электр ҳисоблагич воситаларни ўрнатиш талаб этилади.

32. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини муқобил энергия манбаи орқали таъминлашга рухсат берилади. Муқобил энергия манбаи тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаши лозим.

33. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 8 соатдан кам бўлмаган вақт давомида қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлган захира электр таъминоти манбаи билан жиҳозланган бўлиши талаб этилади.

9-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг дастурий таъминот воситаларига қўйиладиган талаблар

34. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг дастурий таъминот воситалари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг замонавий платформаларда ишлашини таъминлаб, энг сўнги стандартларни қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

35. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчи томонидан камида 3 йил давомида қўллаб-қувватланиши зарур.

36. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг дастурий таъминот воситалари умумий ва махсус дастурий таъминотлардан иборат бўлиши талаб этилади.

10-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг ахборот хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

37. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидаги ахборотларни ҳамда уни қайта ишловчи воситаларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган бўлиши шарт.

38. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти қўйидагиларини ўз ичига олиши талаб этилади:

- маълумотларни сақлаш;
- рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш;
- яхлитликни таъминлаш;
- хавфсизлик девори;
- рухсатсиз киришларни аниқлаш;
- антивирус ҳимояси.

39. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидаги ахборотларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган дастурий таъминот учун O'zDSt 2816:2014 «Ахборот технологиялари. Эълон қилинмаган имкониятлар устидан назорат даражаси ахборотини ҳимоялаш воситаси дастурий таъминот классификатори» давлат стандарти талабига асосан назорат қилишнинг учинчи даражаси таъминланиши талаб этилади.

40. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими аппарат ва дастурий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда интеграцияланган ҳолда ишлаши техник лойиҳалаштириш босқичида таъминланиши зарур.

41. Жорий этилаётган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини «Маъмурий амалиёт» модули ёки бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш тартиби ҳамда уларнинг ўзаро бир-бири билан боғланиш интерфейслари тўғрисидаги ечимлар техник лойиҳалаштириш даврида қабул қилинади.

42. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг уланиш объектлари ва маълумотларини потенциал хавфлардан, тасодифий ҳаракатлардан ва ташқи хужумлардан ҳимоя қилишни таъминлаш зарур.

43. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш;

дастурий таъминот ва фойдаланувчилар фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олиш;

ахборотни алоқа каналлари орқали узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида рухсатсиз модификациядан ҳимоялаш;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг ресурсларига киришни бошқариш;

алоқа каналларидан узатилаётган маълумотларнинг криптографик усуллар орқали махфийлигини таъминлаш;

вируслардан ҳимоялаш;

дастурий таъминотга ноқонуний киришдаги маълумотларни таҳлил қилиш;

дастурий таъминот конфигурациясида юзага келган хатоликлар ҳамда камчиликларни аниқлаш.

11-§. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини синовдан ўтказишга қўйиладиган талаблар

44. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими жорий этилганидан кейин ўн кун синов тариқасида ишлайди.

45. Синов муддатида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар ўн кун муддатда ваколатли орган томонидан таҳлил қилинади ва мазкур техник талабларда назарда тутилган қоидаларга зид бўлмаган «Тизимни ўрганиш бўйича хулоса» тасдиқланиб, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимидан фойдаланишга рухсат берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

110 Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида*

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияси махсус ваколатли давлат органи ва (ёки) ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузурида техник регламентлар лойиҳаларини, уларга доир ўзгартириш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, амалдаги техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда уларга оид хулосалар тайёрлаш учун тузилиши;

янги техник регламент ишлаб чиқилган ёки амалдагиларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, техник регламентларни ишлаб чиқувчилар Жаҳон савдо ташкилотига (кейинги ўринларда — ЖСТ) аъзо давлатлар ва манфаатдор томонларга Ахборот маркази орқали тегишли ахборот (хабарнома)ларни тақдим қилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЖСТнинг Савдодаги техник тўсиқлар (кейинги ўринларда — СТТ) тўғрисидаги битими доирасида маълумот алмашиш ва СТТ масалалари бўйича хабар бериш функцияларини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон Стандартлар институти тузилмасида ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида 4 та штат бирлиги ажратилган ҳолда, Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот маркази (кейинги ўринларда — Ахборот маркази) ташкил этилсин.

Ахборот марказига республикада техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётда қўллаш бўйича ЖСТ котибияти, ЖСТга аъзо давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик қилиш вазифалари юклансин.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ЖСТ котибияти ва унга аъзо давлатларни СТТ масалалари бўйича хабардор қилиш ва улар томонидан келиб тушган сўровларга ўз ваколати доирасида батафсил жавоб тайёрлаши ҳамда зарур маълумотлар билан бирга Ахборот марказига тақдим этилишини таъминласин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 мартда эълон қилинган.

эксперт комиссиясини шакллантиришнинг умумий қоидалари;
эксперт комиссиясининг вазифа ва ҳуқуқлари, комиссия аъзоларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

эксперт комиссияси фаолиятини ташкил этиш, комиссиянинг ишчи органлари ваколатлари;

ишлаб чиқилган техник регламентлар, уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби;

б) Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ахборот маркази фаолиятининг асосий йўналиши;

ЖСТ Котибиятига ва бошқа манфаатдор томонларга хабарномаларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби;

ЖСТга аъзо мамлакатлардан СТТ соҳасида ишлаб чиқилиши режалаштириладиган ёки қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва муҳокама қилиш тартиби;

ЖСТнинг СТТ бўйича хабарномаси шакли, уни тўлдириш йўриқномаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 март,
153-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
эксперт комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини (кейинги ўринларда — эксперт комиссияси) шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Эксперт комиссияси ишлаб чиқилган техник регламентларни, техник регламентларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаларини (кейинги ўринларда — техник регламентлар лойиҳалари) экспертизадан ўтказиш, шунингдек, амалдаги техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва (ёки) тегишли соҳада давлат сиёсатини юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) ҳузурида тузилади.

3. Техник регламентлар лойиҳалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, маҳсулотлар ва (ёки) жараённинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган минимал талаблар етарли даражада белгиланганлигини, улар республиканинг халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини, моддий-техник базани ҳамда илмий-техник жиҳатдан ривожлантириш даражасига мувофиқлигини таҳлил қилиш мақсадида экспертизага юборилади.

4. Эксперт комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

5. Эксперт комиссиясининг таркиби ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

II боб. Эксперт комиссиясининг вазифалари ва ҳуқуқлари

6. Қуйидагилар эксперт комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади: ишлаб чиқилган техник регламент лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

техник регламентларни қабул қилишга асос бўлган ҳолатлар ёки сабаблар эндиликда мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу ҳолатлар ёки сабабларнинг ўзгариши савдога нисбатан камроқ чекловли таъсир кўрсатадиган усуллардан

фойдаланишга имкон берадиган ҳолларда техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ўз ваколатлари доирасида хулосалар бериш, техник регламентларни тасдиқлаш ёки такомиллаштиришга қайтадан юбориш бўйича таклифлар киритиш.

7. Эксперт комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

техник регламентларни экспертизадан ўтказишга давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳалаштириш, илмий-техник ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари мутахассисларини жалб этиш;

ишлаб чиқувчи ташкилотлардан, яъни давлат органлари ва ташкилотларидан техник регламентлар лойиҳалари бўйича зарур ахборотни сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида тегишли ваколатли орган орқали Вазирлар Маҳкамасига техник регламентларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

техник регламент лойиҳасининг талаблари бўйича тушунтириш бериш учун ишлаб чиқувчиларни жалб қилиш.

III боб. Эксперт комиссияси аъзоларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8. Эксперт комиссияси аъзолари:

эксперт комиссияси ишида, қарорлар қабул қилинишида овоз беришда қатнашиши;

кўриб чиқиш учун киритилаётган техник регламентларнинг лойиҳалари бўйича тегишли хулосаларни ўз вақтида тақдим этиши;

ушбу Низом талабларига риоя қилиши лозим.

9. Эксперт комиссияси аъзолари ишлаб чиқилган техник регламентлар лойиҳалари, техник регламентларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган экспертизанинг тўлиқлиги ва холислиги, шунингдек, техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар, улар юзасидан хулосалар тайёрланиши ҳамда тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

IV боб. Эксперт комиссиясини шакллантириш

10. Эксперт комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Эксперт комиссиясининг аъзолари сони тоқ ва комиссия раисини ўз ичига олган ҳолда камида 7 кишидан иборат бўлиши керак.

11. Ваколатли органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари эксперт комиссияси раиси ҳисобланади.

12. Эксперт комиссияси таркибига:

техник регламентлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли органлар ва республика ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари;

иқтисодиёт тармоқларидаги тадбиркорлик субъектлари (умумий таркиб-

га нисбатан 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак), Савдо-саноат палатаси вакиллари;

лойиҳалаштириш, илмий-техник ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда лабораториялар мутахассислари киритилади.

13. Техник жиҳатдан тартибга солиш объектнинг тармоқ мансублигидан келиб чиққан ҳолда техник регламент кўриб чиқилишидан манфаатдор бўлган:

техник регламентни жорий этадиган давлат органлари ва ташкилотлари; қайта кўриб чиқилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки техник регламентлар қабул қилиниши муносабати билан бекор қилиниши лозим бўлган маҳсулотга, жараёнларга ўзаро боғлиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаган (қўллайдиган) давлат органлари ва ташкилотлари, техник қўмиталарнинг етакчи олимлари ва мутахассислари ҳам эксперт комиссияси таркибига киритилиши мумкин.

14. Эксперт комиссияси таркиби ушбу Низомнинг 12-13-бандларида кўрсатилган ташкилотлар таклифи бўйича ваколатли органнинг қарори билан тасдиқланади.

V боб. Эксперт комиссияси фаолиятини ташкил этиш

15. Эксперт комиссиясига раис раҳбарлик қилади.

Эксперт комиссияси раиси:

кун тартибини белгилайди ва эксперт комиссиясининг мажлисларини чақиради;

эксперт комиссиясига юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича комиссия аъзолари ишини мувофиқлаштиради;

эксперт комиссиясининг самарали ишлашини таъминлайди.

16. Эксперт комиссияси мажлисини раис олиб боради. Эксперт комиссияси мажлиси унда комиссия аъзоларининг тўртдан уч қисми қатнашганда ҳуқуқий ваколатли бўлади. Комиссия раиси иштирок этмаган тақдирда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

17. Эксперт комиссиясининг котиби этиб ваколатли органнинг масъул ходими тайинланади.

Котиб:

экспертизага келиб тушган техник регламент лойиҳалари ва тегишли ҳужжатлар тўпламини эксперт комиссияси аъзоларига етказди;

навбатдаги мажлисга барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича эксперт комиссияси мажлисларини ўтказиш муддати ва жойини, шунингдек, таклиф этилувчиларни эксперт комиссияси раиси билан келишади;

Эксперт комиссиясининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлисининг ўтказиладиган санаси, вақти ҳамда жойи ҳақида хабардор қилади.

18. Узрли сабабларга кўра мажлисда қатнашмаган комиссия аъзоларини, уларнинг овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашаётган вакиллари билан алмаштириш мумкин.

VI боб. Эксперт комиссиясига ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш ва экспертиза ўтказиш тартиби

19. Техник регламент лойиҳалари ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага асосан экспертизадан ўтказилади.

20. Давлат органлари ва ташкилотлари техник регламентлар лойиҳаларини ваколатли органлар ҳузуридаги эксперт комиссиясига экспертизадан ўтказиш учун қўйидагиларни илова қилган ҳолда киритади:

техник регламент ёки техник регламентга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси;

техник регламентни ишлаб чиқиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганлигини тасдиқловчи лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисидаги хабарнома нусхаси;

техник регламент лойиҳаси бўйича манфаатдор томонларнинг ҳамда жамоатчилик муҳокамалари натижасида олинган мулоҳазалар ҳақидаги маълумотнома;

техник регламент лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш натижалари тўғрисида келишмовчиликлар жадвали (агар мавжуд бўлса);

қабул қилиниши техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган стандартлар рўйхати;

техник регламентда белгиланган маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усуллари белгиладиган стандартларнинг рўйхати;

техник регламентни амалга ошириш бўйича ташкилий ва техник тадбирлар режаси.

21. Эксперт комиссияси техник регламент лойиҳасини кўриб чиқиш давомида қўшимча материалларни, шу жумладан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича ҳисоботларни (ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш натижаларини, синаш лабораториялари аккредитацияси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар) сўрашга ҳақли.

22. Техник регламент лойиҳаси эксперт комиссияси томонидан унинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсати, Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказилади.

Техник регламент лойиҳасининг экспертизаси доирасида қўйидагилар амалга оширилади:

техник регламент лойиҳаси сифатли ишлаб чиқилганлиги, асосланганлиги, долзарблиги ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги баҳоланади;

маҳсулотлар ва (ёки) жараённинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур минимал талаблар етарли белгиланганлиги, ушбу талаблар республиканинг халқаро мажбуриятларига мувофиқлиги, моддий-техник базани ҳамда

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илмий-техник жиҳатдан ривожлантириш даражасига мувофиқлиги таҳлил қилинади;

техник регламентни қабул қилишдан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар таҳлил қилинади;

техник регламент лойиҳаси техник регламент баёни ва мазмунининг тўғрилиги, экологик норма ва талабларга мувофиқлиги, ўлчашларни ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизимига мувофиқлиги ҳамда давлат ва тармоқ терминологик стандартларида белгиланган илмий-техник атамалар қўлланилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

23. Эксперт комиссияси аъзоси техник регламент лойиҳаси олинган пайтдан бошлаб 15 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда экспертиза натижалари бўйича ўз мулоҳаза ва таклифларини эксперт комиссияси котибига тақдим қилади.

VII боб. Эксперт комиссияси томонидан қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини ташкил этиш

24. Эксперт комиссияси мажлисида техник регламент лойиҳаси юзасидан экспертиза натижалари асосидаги мулоҳаза ва таклифлар бўйича маълумотномалар ёки техник регламентларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар ва улар юзасидан хулосалар кўриб чиқилади.

25. Техник регламентни ишлаб чиқувчи эксперт комиссиясининг якуний йиғилишида иштирок этади. Мунозарали масалалар юзага келганда, ишлаб чиқувчи эксперт комиссиясига тегишли халқаро ва (ёки) минтақавий стандартларни, қоидаларни ҳисобга олган ҳолда илмий маълумотларга асосланган маълумотларни тақдим этиши керак.

26. Эксперт комиссияси қарори мажлисда иштирок этган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Эксперт комиссияси аъзосининг комиссиянинг қабул қилинган қароридан фарқ қиладиган алоҳида фикри мажлис баёнида акс эттирилади ёки ёзма шаклда алоҳида расмийлаштирилади ҳамда эксперт комиссияси мажлиси баёнининг узвий қисми ҳисобланади.

27. Эксперт комиссияси техник регламент лойиҳаси экспертизасини яқунлаб қарор қабул қилгандан сўнг ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ хулоса тайёрлайди, унда техник регламентнинг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги юзасидан асосли хулосалар бўлиши лозим.

28. Экспертиза натижалари бўйича хулосага эксперт комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзо (виза) қўйилади, комиссия раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда комиссия аъзоларига ҳамда манфаатдор томонларга юборилади.

29. Эксперт комиссиясининг хулосаси ижобий бўлган тақдирда, техник

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

регламентлар лойиҳалари тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

30. Ваколатли органлар эксперт комиссиясининг якуний хулосасини веб-сайтда эълон қилади, шунингдек, белгиланган тартибда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги масъул ваколатли давлат органи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига расмий веб-сайтида эълон қилиш учун тақдим этади.

31. Техник регламент лойиҳаси бўйича эксперт комиссияси хулосасини беришнинг умумий муддати лойиҳа келиб тушган санадан бошлаб 30 календарь кундан ошмаслиги керак.

32. Эксперт комиссияси хулосасининг асл нусхаси ва унга доир материаллар ваколатли органда сақланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарорига
2-ИЛОВА

Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот маркази тўғрисида НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот маркази тўғрисидаги ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот марказининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Савдодаги техник тўсиқлар бўйича ахборот маркази (кейинги ўринларда — Ахборот маркази) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Ахборот маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон Стандартлар институти тузилмасида алоҳида бўлинма шаклида Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда — ЖСТ) котибияти, ЖСТ аъзолари халқаро ва хорижий стандартлаштириш ташкилотлари ҳамда бошқа манфаатдор томонлар билан техник регламентлар, стандартлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва қўллаш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида ташкил этилган.

4. Ахборот маркази Ўзбекистон Республикаси ЖСТга аъзо бўлган пайдан бошлаб, шунингдек, тегишли шартномалар кучга киргандан кейин фаолият юритади.

II боб. Ахборот марказининг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар Ахборот марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ЖСТга аъзо давлатларни Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга асосланмаган ёки мавжуд халқаро стандартлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган, қонуний мақсадларга эришиш учун зарур ва ЖСТга аъзо бошқа давлатлар билан товарлар савдосига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги техник регламентлар ёки мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ишлаб чиқиладиганлиги ёхуд мавжуд техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига ўзгартиришлар киритиладиганлиги тўғрисида ўз вақтида, уларни ишлаб чиқиш босқичида хабарномалар бериш орқали хабардор қилиш;

б) ЖСТга аъзо давлатларнинг ахборот марказлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг барча асосланган сўровларига тегишли ваколатга эга ижро этувчи ҳокимият ва мувофиқликни баҳоловчи органлар билан ҳамкорликда жавоб берилишини таъминлаш;

в) ЖСТга аъзо давлатларнинг ишлаб чиқиладиган техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари тўғрисидаги хабарномаларга шарҳларини ва (ёки) эътирозларини тегишли ижро этувчи ҳокимият органларига уларни муҳокама қилиш, ишлаб чиқиладиган техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари лойиҳаларига зарур ўзгартиришлар киритиш учун юбориш;

г) ЖСТга аъзо давлатларнинг Савдодаги техник тўсиқлар (кейинги ўринларда — СТТ) соҳасида режалаштирилган ёки қабул қилинган чоралари тўғрисидаги хабарномаларни Ўзбекистон Республикасининг тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналари ва бошқа манфаатдор томонларга уларнинг сўровига кўра тақдим этиш.

III боб. ЖСТга аъзо давлатларга хабарномаларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби

6. Ахборот маркази томонидан хабарномалар бериш ва сўровларга жавоб бериш мазкур Низомга 1-иловадаги* схемага асосан амалга оширилади.

7. Ахборот маркази ЖСТга аъзо давлатларнинг техник регламентларни ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги хабарномаларини электрон жўнатиш ягона порталига обуна бўлади.

8. Стандартлар ва техник регламентлар, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг йиллик режалари мазкур Низомга 2-иловадаги* шаклда тақдим этилади.

9. Хабарномалар мазкур Низомга 3-иловадаги* шаклда тақдим этилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин:

ишлаб чиқиш босқичида бўлган техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ҳақида маълумот;

стандартлаштириш бўйича халқаро ёки минтақавий ташкилотларга аъзолик ёки иштирокчи эканлиги тўғрисида маълумот;

* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг якуний матнини юклаб олиш манзили тўғрисида маълумот, шу жумладан, веб-сайт манзилини (ҳаволасини) кўрсатиш;

СТТ битими қоидаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бошқа маълумотлар.

10. Хабарномада аниқ бир маҳсулот, маҳсулотлар гуруҳи ёки умумий маҳсулотларга тегишли бир ёки бир нечта техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

11. ЖСТга аъзо давлатларни хабардор қилиш режалаштириладиган чоралар тўғрисидаги хабарномалар ЖСТ Котибиятига юборилишидан олдин Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилиши лозим.

12. Режалаштирилган чоралар тўғрисида ЖСТ Котибиятига хабарномалар ЖСТга аъзо давлатлар янги чоралар лойиҳаси билан танишиши, уларни муҳокама қилиш ва қабул қилишда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўз шарҳлари ва (ёки) эътирозларини тақдим этиш имкониятига эга бўлишлари учун ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида, келишиш учун камида 60 кун назарда тутилган ҳолда жўнатилиши керак.

13. Техник регламентлар ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ЖСТга аъзо давлатлар ва маҳаллий саноат корхоналари янги чораларга мослашиш имкониятига эга бўлишлари учун уларни қабул қилиш ва расмий нашрдан сўнг 6 ой ўтгач кучга киритилиши лозим.

14. ЖСТга аъзо давлатларнинг сўровларига жавоблар, қўшимча маълумотлар инглиз тилида тақдим этилиши керак.

Агар ҳужжатлар ҳажми катта бўлса, асосий қоидаларни кўрсатган ҳолда хабардор қилинадиган чоралар мазмунини инглиз тилида бериш мумкин.

15. ЖСТга аъзо давлатлар ва манфаатдор томонларнинг сўровига биноан ҳужжатлар нусхаларини тақдим этишда унинг тўлов миқдори тақдим этиш учун сарфланган ҳақиқий харажатларга мутаносиб бўлиши керак.

IV боб. ЖСТга аъзо давлатларнинг хабарномаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва муҳокама қилиш тартиби

16. Ахборот маркази ЖСТга аъзо давлатларнинг СТТ соҳасида режа қилинган ёки қабул қилинган чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналари ва бошқа манфаатдор томонларга уларнинг сўровига биноан хабарномалар юборади.

17. ЖСТга аъзо давлатларнинг хабардор қилинган чоралари бўйича Ўзбекистон Республикасининг тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналари ва бошқа манфаатдорлар томонида саволлар туғилса, Ахборот маркази ЖСТга аъзо тегишли давлатга сўров юборади.

18. Ахборот маркази ЖСТга аъзо давлатлардан сўровларга жавоб олади ва олинган жавобларни ўзбек тилига таржима қилади ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналари ва бошқа манфаатдор томонларга юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 24 июндаги 451-сон қарорида:

а) қарор номидаги, 1, 3 ва 4-бандлардаги, қарорга илова номидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин;

б) қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 1-бандидаги «умумий» ва «(кейинги ўринларда — Техник регламент)» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) қарорга илованинг тўртинчи боби қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-боб. Мувофиқлигини тасдиқлаш

68. Болалар ўйинчоқлари эркин муомалага чиқарилишидан олдин мазкур техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши лозим.

Болалар ўйинчоқларининг мувофиқлигини тасдиқлаш сертификатлаштириш шаклида амалга оширилади. Сертификатлаштириш белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш органлари томонидан 1с, 2с 3с сертификатлаштириш схемаларини қўллаган ҳолда сертификатлаштириш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Сертификатлаштириш учун синашлар Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синаш лабораторияларида амалга оширилади.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланадиган болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда техник регламентларда белгиланган махсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усулларини белгилайдиган стандартлар рўйхатидаги ҳужжатлар қўлланмаган ҳолларда ёки ушбу ҳужжатлар бўлмаганда, болалар ўйинчоқларининг мувофиқлиги ушбу техник регламентни 68-бандининг б) кичик бандига асосан (1с, 2с, 3с схемалар) тасдиқланади.

Серияли ишлаб чиқарилган болалар ўйинчоқларини сертификатлаштириш 1с, 2с схемалар бўйича амалга оширилади. Сертификатлаштириш учун болалар ўйинчоқлари намуналари сертификатлаштириш органи ёки унинг ваколатли вакили томонидан танланади. Болалар ўйинчоқлари партиясини сертификатлаштириш 3с схема бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган болалар ўйинчоқлари партиясини импорт қилувчи ёки ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингунга қадар сертификатлаштирилади. Сертификатлаш учун болалар ўйинчоқлари намуналари сертификатлаштириш органи томонидан танланади.

а) Болалар ўйинчоқларини сертификатлаштиришда (1с, 2с, 3с схемалар) ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, импорт қилувчи сертификатлаштириш органига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ҳужжатлар (1с, 2с схемалар);

болалар ўйинчоқларининг рангли тасвирдаги намуналари;

болалар ўйинчоқларининг конструкторлик ёки техник хусусиятлари берилган ҳужжатлар нусхаси;

хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар, шунингдек, уларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

фойдаланиш бўйича ҳужжатлари (агар мавжуд бўлса);

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланадиган болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда техник регламентларда белгиланган маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усулларини белгилайдиган стандартлар;

болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга сифат менежмент тизими жорий қилинганлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати (2с схема); шартнома (етказиб бериш шартномаси) ёки жўнатиш ҳужжатлари (болалар ўйинчоқлар партияси учун) (2с схема).

Сертификатлаштириш органи:

болалар ўйинчоқларини идентификация қилади;

техник регламент талабларини қўллаш ва бажариш ҳамда маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) учун зарур намуналарни танлаш қоидалари белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текширишни ташкил қилади ва синов баённомаларини таҳлил қилади.

Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилади (1с схема).

Серияли ишлаб чиқарилган болалар ўйинчоқлари учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати 5 йилга, болалар ўйинчоқлари партияси учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати чекланмаган вақтга берилади.

Ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчини ваколатли вакили), импорт қилувчи:

болалар ўйинчоқлари тамғасига мувофиқлик белгисини жойлаштиради; мувофиқлиги тасдиқлангандан сўнг қўйидаги ҳужжатларни шакллантиради:

ушбу техник регламентнинг 68-банди а) кичик бандида келтирилган ҳужжатларни;

синаш баённомаларини;

ишлаб чиқариш ҳолатининг таҳлили натижаларини;

мувофиқлик сертификатини.

Сертификатлаштириш органи сертификатланган болалар ўйинчоқлари устидан инспекция назоратини қўйидаги тадбирлар орқали амалга оширади:

намуналарни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган синов лабора-

ториясида (марказда) синовдан ўтказиш ва (ёки) ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш (1с схема);

намуналарни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказда) синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини сифат менежменти тизимини сертификатлаштирган сертификатлаштириш органи томонидан ўтказилган инспекция назорати натижаларини таҳлил қилиш (2с схема).

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланадиган болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган стандартлаштиришга доир ҳамда маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатидаги ҳужжатлар қўлланилмаган ҳолларда ёки ушбу ҳужжатлар бўлмаганда (1с, 2с, 3с схемалар):

ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи болалар ўйинчоқлари ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар тўпламини сертификатлаштириш органига тақдим этади:

болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришда фойдаланилган ҳужжат (1с, 2с схемалар);

болалар ўйинчоқларининг рангли тасвирдаги намуналари;

болалар ўйинчоқларининг конструкторлик ёки техник хусусиятлари берилган ҳужжатлар нусхаси;

фойдаланиш бўйича ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса);

хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар, шунингдек, уларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар (1с, 2с схемалар);

ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қабул қилинган техник ечимларнинг тавсифи ва хатарларни баҳолаш ҳужжатлари;

болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга сифат менежмент тизими жорий қилинганлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати (2с схема);

шартнома (етказиб бериш шартномаси) ёки жўнатиш ҳужжатлари (болалар ўйинчоқлар партияси учун) (3с схема).

69. Сертификатлаштириш органи:

Болалар ўйинчоқларини идентификация қилади;

болалар ўйинчоқларини мазкур техник регламент талабларига мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштиради. Бунда сертификатлаштириш органи:

ушбу техник регламентнинг хавфсизлик талабларидан келиб чиқиб, сертификатлаштирилаётган болалар ўйинчоқлари учун аниқ хавфсизлик талабларини аниқлайди;

ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилган ушбу техник регламентларнинг хавфсизлик талаблари бажарилишини тасдиқловчи қабул қилинган техник ечимларни таҳлил қилиш ва хатарларни баҳолашни амалга оширади;

ўйинчоқларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш учун Техник регламент талабларини қўллаш ва бажариш ҳамда маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) учун зарур бўлган намуналарни танлаш қоидаларини белгилловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатидан ушбу белгиланган аниқ хавфсизлик талабларини аниқлаш учун синов усуллари стандариларини аниқлайди;

синовлар ўтказилишини ташкил этади ва синаш баённомаларини таҳлил қилади;

ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилади (1с схема).

Серияли ишлаб чиқарилган болалар ўйинчоқлари учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати 5 йилга, болалар ўйинчоқлари партияси учун мувофиқлик сертификатининг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

Ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи:

болалар ўйинчоқлари тамғасига мувофиқлик белгисини жойлаштиради; мувофиқлиги тасдиқлангандан сўнг қўйидаги ҳужжатларни шакллантиради:

ушбу техник регламентнинг 69-бандида келтирилган ҳужжатларни;

синаш баённомаларини;

ишлаб чиқариш ҳолати таҳлили натижаларини;

мувофиқлик сертификатини.

Сертификатлаштириш органи сертификатланган болалар ўйинчоқлари устидан инспекция назоратини қўйидаги тадбирлар орқали амалга оширади:

намуналарни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказда) синовдан ўтказиш ва (ёки) ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш (1с схема);

намуналарни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказда) синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини сифат менежменти тизимини сертификатлаштирган сертификатлаштириш орган томонидан ўтказилган аудит натижаларини таҳлил қилиш (2с схема).

70. Болалар ўйинчоқларига тегишли ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқарувчилар томонидан болалар ўйинчоқларининг ишлаб чиқарилиши тўхтатилган (бекор қилинган) кундан, болалар ўйинчоқларини импорт қилувчилар томонидан сўнгги маҳсулот сотилган кундан бошлаб камида 10 йил давомида сақланиши керак».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Минерал ўғитлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 1 мартдаги 91-сон қароридан қарор номидаги, 1, 3 ва 5-бандлардаги, қарорга иловалар номидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 1-бандидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 28 сентябрдаги 536-сон қароридан қарор номидаги, 1-бандидаги, қарорга илова номидаги, қарорга илова би-

лан тасдиқланган техник регламентнинг 1-бандидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентга илова номидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарориди қарор номидаги, 1 ва 4-бандларидаги, қарорга иловалар номидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 1-бандидаги, қарорга иккинчи илова биринчи босқичининг чора-тадбирлар устунидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аттракционлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 28 ноябрдаги 677-сон қарориди қарор номидаги, 1, 2 ва 4-бандларидаги, қарорга иловалар номидаги, қарорга иккинчи илова биринчи босқичининг тадбирлар устунидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг умумий техник регламенти ни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 28 декабрдаги 726-сон қарориди:

а) қарор номидаги, 1-бандидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг номидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 1-боби биринчи параграфидаги, қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 43-банди саккизинчи хатбошисидаги «умумий» сўзи чиқариб ташлансин.

б) қарорга илова билан тасдиқланган техник регламентнинг 1-банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 мартдаги 153-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари РЎЙҲАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақидаги» 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 8 сентябрдаги 289-сон қарорига илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 16 январдаги 30-сон қарорига 2-илованинг 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар

ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-иловининг 5-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

111 Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-методик ва тадқиқот ишлари сифатини ошириш орқали таълим тизимини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 20 апрелдаги ПҚ–128-сон қарорига мувофиқ давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини таълим соҳасидаги халқаро стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларининг мақсади, вазибалари ва принциплари;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш учун қўйиладиган талаблар ҳамда таълимнинг стандартлаштириладиган турлари;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини, малака талаблари, намунавий (таянч) ўқув режа ва дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартиби.

2. Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази:

а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида таълим турларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаган ҳолда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимнинг ўқув режа ва дастурларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) 2024 йил 1 августга қадар қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим турлари ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш концепцияси;

таълим натижаларини баҳолаш, таълим сифати ва самарадорлигини мониторинг қилиш, таълим сиёсатида далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш амалиётини жорий этиш мақсадида умумий ўрта таълимда баҳолаш концепцияси;

в) 2024 йил 1 октябрга қадар таълим соҳасидаги атамаларнинг халқаро даражада қабул қилинган атамаларга мувофиқлигини таъминлаган ҳолда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 мартда эълон қилинган.

«Узлуксиз таълим тизимининг изоҳли луғати»ни ишлаб чиқсин ва уни мунтазам равишда янгилаб борсин;

г) таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган таҳлилий ва амалий тадқиқотлар ўтказсин ҳамда тадқиқотлар натижаларини мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.

3. Белгилансинки:

а) давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда қўйидагилар инобатга олинади:

тегишли таълим босқичи якунида таълим олувчиларда шаклланиши лозим бўлган компетенцияларни давлат, жамият ва меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда белгилаш;

таълим турлари узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мақсад ва вазифаларни таълим натижадорлигига йўналтириш;

таълим олувчиларда атроф муҳитни асраб-авайлаш ва муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш масъулиятини шакллантириш;

б) таълим натижаларининг халқаро миқёсда тан олиншини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида мавжуд таълим турлари ЮНЕСКО-нинг «Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи» даражалари билан мувофиқлаштирилади.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар Таълим соҳасида ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўйидагиларни назарда тутувчи «dts.uz» — Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларининг ягона очик муҳокама порталини ишга туширсин:

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари, шунингдек, малака талабларини 15 кун муддатда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларининг регистри ва уларнинг матнлари билан эркин танишиш;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар бериш;

«очик майдон» тамойили асосида ва реал вақт режимида давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб босқич-ма-босқич ушбу қарор асосида тегишлича таълим турлари бўйича давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларининг синов материалларини умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимнинг янгиланган давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурларига мувофиқ тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.Ў. Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 март,
157-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини
ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом таълимнинг барча турлари учун давлат таълим стандартлари, шу жумладан, мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти ҳамда давлат таълим талабларини (кейинги ўринларда — таълим стандартлари) ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат таълим стандартлари — давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиладиган талаблар мажмуи;

давлат таълим талаблари — таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти — таълим-тарбия жараёнининг ҳажмига, мазмунига ва сифатига, мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлашга, шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлом овқатланишини ва хавфсизлигини ташкил этишга доир мажбурий талаблар мажмуи;

ўқитиш натижалари — ўқув жараёнининг маълум босқичи якуни бўйича таълим олувчи баҳоланадиган компетенциялар.

3. Таълим стандартлари таълим ташкилотларида таълим жараёнини ташкил этиш ва баҳолаш учун асос ҳисобланади.

4. Таълим стандартлари ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

2-боб. Таълим стандартларининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари

5. Таълим стандартларининг мақсади — таълим ва ўқитиш сифатига, таълим мазмунига, таълим олувчилар ҳамда уларнинг тайёргарлик даражасига, таълим даражасидаги компетенциялар ва натижаларга, бериладиган малакаларга, талаб қилинадиган ўқув юкмаси ва фаолияти хажмига ва баҳолаш механизмларига қўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади.

6. Таълим стандартларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: таълимнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш; таълимнинг турлари, мазмуни, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги, таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;

ўқитиш натижаларини баҳолаш тартиби, таълим ва тарбия сифатини назорат қилишни такомиллаштириш;

таълим турлари, босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

миллий стандартлар талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

7. Таълим стандартларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат, жамият, меҳнат бозори ва шахс эҳтиёжларига мослиги;

таълим ва тарбиянинг яхлитлиги, барча учун тенг ва кафолатланганлиги;

таълим турлари ва босқичлари ўртасида узлуксизлик ва таълим мазмуни узвийлигининг таъминланганлиги;

гендер тенглик ва инклюзив таълим олиш ҳуқуқларининг таъминланганлиги;

таълим олувчиларга йўналтирилганлиги ва таълим олувчилар шахси, уларнинг интилишлари, қобилиятлари ҳамда қизиқишларининг инобатга олинганлиги;

Ўзбекистон таълим сиёсатини ҳисобга олган ҳолда хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларидан фойдаланилганлиги.

8. Қуйидагилар таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

маданий ва тарихий мерос анъаналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлат талаблари ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ватанга фидойилик ва миллий ғурур ҳиссини сингдириш ҳамда ўз мажбуриятларини масъулият билан бажариш бўйича зарур билим ва кўникмаларни ривожлантириш;

таълим олувчилар онгига Ватан туйғусини сингдириш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим олувчиларнинг ўқитиш натижаларига аниқ талабларни белгилаш ҳамда унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш;

таълим олувчиларда атроф мухитни асраб-авайлаш ва муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

таълим турлари ва босқичларини халқаро миқёсда тан олинган мезонлар бўйича таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

таълим олувчиларнинг қобилият ва эҳтиёжлари асосида индивидуал ривожланиш ҳамда дифференциал ёндашув асосида таълим олиш имкониятларини яратиш;

вариатив ва инвариатив компонентларни жорий этиш орқали таълим жараёнини тизимлаштириш;

меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлашда халқаро тажрибани инобатга олиш.

3-боб. Таълимнинг стандартлаштириладиган турлари

9. Таълим турлари бўйича қуйидаги таълим стандартлари ишлаб чиқилади:

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти;

умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълимнинг давлат таълим стандартлари;

олий таълимдан кейинги таълимнинг, кадрларни қайта тайёрлаш ва малякасани оширишнинг, шунингдек мактабдан ташқари таълимнинг давлат таълим талаблари.

10. Таълим турлари бўйича давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини таълим соҳасидаги халқаро стандартлар талабларига мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг таълим босқичлари ЮНЕСКОнинг «Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (International Standard Classification of Education (ISCED-2011)» (кейинги ўринларда — Халқаро таснифлагич) даражалари билан мазкур Низомга 2-иловага* асосан мувофиқлиги таъминланади.

11. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти Халқаро таснифлагичнинг 0-даражасидаги (кичик ёшдаги болалар таълими) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ушбу стандарт эрта когнитив, жисмоний, ижтимоий ва эмоционал каби шаклланиши лозим бўлган кўникмалар ягона шаклда ишлаб чиқилиши, болаларни бошланғич таълимга қабул қилиш ҳамда академик тайёрлаш учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

12. Бошланғич таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 1-даражасидаги (бошланғич таълим) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва I — IV синфларни қамраб олади.

Мазкур стандарт ўқиш, ёзиш, асосий математик кўникмалар (саводхонлик ва ҳисоблаш), шахсий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий соҳаларини ўрганиш ва тушуниш учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Таянч ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 2-даражасидаги (ўрта таълимнинг биринчи босқичи) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва V — IX синфларни қамраб олади. Таянч ўрта таълим битирувчилари (IX синф) Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 2-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Таянч ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бошланғич таълим натижаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ушбу стандарт ҳаёт давомида таълим олиш ва инсон капиталини ривожлантириш пойдеворини яратиш, умумтаълим фанлари бўйича назарий билимларни шакллантиришга қаратилади.

14. Ўрта таълим, ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартлари Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасидаги (ўрта таълимнинг иккинчи босқичи) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Мазкур босқичнинг давлат таълим стандартлари таянч ўрта таълим босқичи натижаларига асосланади.

Ўрта таълим ва ўрта махсус таълим босқичи битирувчилари (XI синф) Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 3-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Бунда ўрта таълим босқичида умумтаълим фанларига устуворлик берилган ҳолда қисқа муддатли касбга тайёрлаш дастурлари ҳам ўқитилади.

15. Бошланғич профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасидаги (ўрта таълимнинг иккинчи босқичи) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Таянч ўрта таълимнинг IX синфлари битирувчиларини қамраб олади.

Бошланғич профессионал таълим босқичи битирувчилари (XI синф) Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 3-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Бошланғич профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти таянч ўрта таълим натижаларини ҳисобга олган ҳолда, иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ҳамда умумтаълим фанлари билан бирга Миллий малака рамкасининг 3-малака даражасига тегишли бўлган касблар бўйича ўқитилади.

16. Ўрта профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасидаги (умумий ўрта таълимдан кейинги таълим) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Ўрта профессионал таълим босқичи битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 4-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Ушбу стандарт ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим натижаларини ҳисобга олиб, иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Таълим олувчиларни меҳнат бозорига тайёрлашга қаратилган ҳамда Миллий малака рамкасининг 4-малака даражасига тегишли бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича таълим берилади.

17. Ўрта махсус профессионал таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасидаги (олий таълимнинг қисқа цикли) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Ўрта махсус профессио-

нал таълим босқичи битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 5-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Мазкур стандарт ўрта таълим, бошланғич ва ўрта профессионал таълим натижаларини ҳисобга олган ҳолда, иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Миллий малака рамкасининг 5-малака даражасига тегишли бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўқитилади.

18. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти Халқаро таснифлагичнинг 6-даражасидаги (бакалаврият ёки унга тенглаштирилган) ва 7-даражасидаги (магистратура ёки унга тенглаштирилган) белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Бакалаврият таълим босқичи умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим натижаларига, магистратура таълим босқичи бакалаврият таълим натижаларига асосланади. Бакалаврият ва магистратура таълим босқичлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ва 7-малака даражасига мувофиқлаштирилади.

19. Олий таълимдан кейинги таълимнинг давлат таълим талаби Халқаро таснифлагичнинг 8-даражасидаги (докторлик тадқиқотлари ёки унга тенглаштирилган) белгиланган талабларга мувофиқ тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларда юқори малакага эришиш учун мўлжалланган билим, кўникма, компетенцияларга эга бўлишларини таъминлайди.

Мазкур таълим босқичи магистратура таълим натижаларига асосланади. Таълим босқичи битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 8-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

20. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим талаби орқали ходимларда қўшимча касбий билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади ҳамда улар касб ёки мутахассислиги бўйича касбий ривожлантирилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасининг 3 — 8-малака даражасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

21. Мактабдан ташқари таълимнинг давлат таълим талаби умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчиларининг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга ва касб-ҳунар тўғрисидаги бошланғич кўникмаларини шакллантиришга қаратилади.

4-боб. Таълим стандартлари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш

22. Таълим стандартлари тегишлилиги бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда — ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари) томонидан ишлаб чиқилади.

Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим турлари бўйича таълим стандартларининг (давлат талаблари) лойиҳалари Таълимни ривож-

лантириш республика илмий-методик маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан тасдиқланадиган талаблар асосида ишлаб чиқилади.

23. Таълим стандартларининг матни лўнда, содда ва раvon тилда баён этилади. Хужжатнинг ҳар бир банди тўлиқ ва яқунланган мазмунга эга бўлиши лозим.

Таълим стандартларида фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Стандартда қўлланиладиган атамалар ва қисқартмалар таърифлари унинг ўзида келтирилади.

24. Таълим стандартининг матни мантиқий кетма-кетлик нуқтаи назаридан бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар, кичик бандларга бўлиниши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар ва кичик бандлар кетма-кетликда араб рақамлари билан рақамланади.

25. Таълим стандартининг матни А4 форматдаги қоғоз варағида жойлаштирилади. Тартиб рақами саҳифанинг пастки ўрта қисмида жойлаштирилади ва араб рақамлари билан белгиланади. Стандарт, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади:

«Times New Roman» 12 ўлчамли шрифт, саҳифанинг чап, ўнг ва юқори ҳошияси 2 см, пастки ҳошияси 2,5 см; хатбошининг сатр боши 1,5 см;

матн сатрлари оралиғи 1 интервал; бўлим ва кичик бўлимлар сарлавҳалари ҳамда жадваллар матндан матбаа дизайнининг мақбуллигидан келиб чиқиб, 1 интервалдан юқори миқдорда ажратилиши мумкин.

26. Таълим стандарти давлат тилида тасдиқланади ва чоп этилади. Стандарт бошқа тилларга фақат уни тасдиқловчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланган тартибда таржима қилинади.

27. Таълим стандарти матн тилидан қатъи назар, ҳужжат номининг давлат тилидаги қуйидаги қисқартиришлари билан белгиланади:

Ўзбекистон Давлат таълим стандарти (Ўзбекистон Давлат Таълим Стандарти) — ЎзДТСт, интервал, тартиб рақами, икки нуқта ажратиш белгиси, тасдиқлаш йили (масалан: ЎзДТСт хххх: 2024).

28. Таълим стандартлари ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, педагоглар, ота-оналар ва бошқа манфаатдор томонлар иштирокида апробациядан ўтказилади. Апробация натижасига кўра таълим стандартлари самарадорлиги тўғрисида маълумотларни тўплаш ва амалга оширишнинг салбий оқибатлари хавфини минималлаштириш учун мониторинг ва баҳолаш механизмлари жорий этилади.

29. Заруратга кўра янги таҳрирда ишлаб чиқилган таълим стандартлари лойиҳаси ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳа (кейинги ўринларда — лойиҳа) ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун таълим стандартларининг ягона очиқ муҳокама порталига 15 кун муддатга жойлаштирилади.

30. Лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилишини таъминлаш ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органининг раҳбари зиммасига юкланади.

31. Жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамаси муддати тугагач, муҳокама жараёнида келиб тушган барча таклиф ва эътирозлар лойиҳани ишлаб чиқувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан кўриб чиқилади ҳамда Марказ томонидан 10 кун муддатда белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан тегишли хулоса берилади.

Муҳокама жараёнида келиб тушган таклиф ва эътирозлар асосида лойиҳа қайта кўриб чиқилади ҳамда мақбул деб топилган таклиф ва эътирозлар лойиҳа матнига киритилади.

32. Таълим стандартлари мазкур Низомга 3-иловада келтирилган намунага мувофиқ ишлаб чиқилади.

33. Таълим стандартлари асосида таълим турлари ва босқичлари бўйича тегишлича малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари ёки таълим дастурлари ишлаб чиқилади.

34. Таълим ташкилотларидаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурларининг мазмуни, уларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби тегишлилиги бўйича ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

35. Таълим стандартлари тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда таълим стандартлари асосида таълим фаолиятини олиб борадиган таълим ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Таълим стандартларининг намунавий тузилиши

1. Умумий қоидалар

Бўлимда тегишли даражадаги таълимнинг умумий мақсади, вазифалари, назарий асослари, шу жумладан, таълим олувчилар томонидан эгалланиши керак бўлган таълим натижалари, шунингдек, ўқув режаси ва таълим олувчиларни баҳолаш бўйича кўрсатмаларнинг қисқача мазмуни батафсил баён қилинади.

2. Асосий мақсадлар ва ривожланишнинг устувор йўналишлари

Ушбу бўлимда ўқув дастурининг мазмуни бўйича таълим олувчиларнинг тегишли даражада таълим олишда эга бўлиши кутилаётган билим, кўникма ва малакалар бўйича эришилиши керак бўлган асосий стратегик мақсадларнинг қисқача мазмуни баён қилинади.

Зарур бўлганда, меҳнат бозорининг долзарблиги ёки унинг миллий стратегик устуворликларига алоқадорлиги тўғрисида эслатмалар берилади ҳамда асбоб-ускуналар ва материаллар рўйхатини ўз ичига қамраб олган маълумотлар акс эттирилади.

Бўлимда тегишли таълим даражасида кутилаётган таълимни яхшилашга қўмаклашиш учун мўлжалланган педагогик ёндашув бўйича кўрсатмаларни, жумладан, ўқув хонасига қўйиладиган ташкилий талаблар, инновацион ўқув-услубий материалларни яратиш, ўқув-услубий ёрдамни кучайтириш.

3. Таълим натижалари

Ушбу бўлимда барча даражаларда қўлланиладиган спирал ёндашув бўйича батафсил тақсимланган таълимнинг тегишли даражасида таълим олувчилар томонидан намоён этилиши керак бўлган асосий компетенцияларнинг тафсилотлари баён қилинади. Шу билан бирга, тегишли таълим натижаларига мисоллар келтирилади.

4. Ўқитиш методикаси

Ушбу бўлимда ўқитиш усуллари ва таълим технологиялари, шу жумладан, инновацион ёндашувлар ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

5. Ўқув дастури, ўқув мавзуларининг юкламаси, ҳажми ва тақсимоти

Ушбу бўлим ўқув соатлари ҳажмининг тафсилотларини ўз ичига олади.

Ўқув соатлари таълим тизимининг ҳар бир босқичида фанни ўқитиш учун ўқув режасига киритилади.

Шунингдек, мазкур бўлимда тегишли таълим даражаларининг фанлараро интеграцияси, ўқитиш ва ўрганиш бўйича батафсил эслатмалар бўлади.

6. Ўқитиш натижаларини баҳолаш

Ушбу бўлим ўқув жараёнининг муҳим ва зарур таркибий қисми бўлиб, у таълимнинг босқичларида таълим олувчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва хулоса қилиш имконини беради. Баҳолаш ва унинг мазмун-моҳияти, баҳолашдаги ёндашувлар, баҳолаш мақсадлари, тамойиллари, турлари, мазмуни (домен, субдомен, конструкт, баҳолаш индикаторлари), формати, мезонлари, методикаси, воситалари ва баҳолашга қўйилган талаблар таълим жараёнининг барча субъектлари — таълим ташкилоти маъмурияти, ўқитувчилар, ота-оналар ва таълим олувчилар учун тушунарли тарзда баён этилади. Бу таълимни баҳолаш тизимига мос келиши керак.

7. Мониторинг ва баҳолаш

Ушбу бўлимда ҳар бир фан бўйича, ҳар бир таълим даражасида таълим олувчиларнинг ўзлаштириши ва ютуқларини мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳақида батафсил маълумот берилади.

Мониторинг таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг узлуксиз жараёни сифатида белгиланиб, бу жараён таълим ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва истиқболларини белгилашда муҳим ҳисобланади.

Мониторингда таълим жараёнининг бориши, услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминланганлиги кузатилади, таҳлил қилинади, баҳо берилади ва таълимдаги сифат кўрсаткичлари аниқланиб, хулоса қилинади ҳамда истиқболдаги ўзгаришлар белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 27 мартдаги 157-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

112 **Стандартлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 21 июлдаги ПФ–111-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти стандартлаштириш бўйича миллий орган этиб белгиланганлиги ҳамда ушбу Қонун билан Миллий органга қуйидаги ваколатлар берилганлиги:

миллий стандартларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, уларни бекор қилиш ҳақида, шунингдек, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва юритиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ҳамда метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 21 июлдаги ПФ–111-сон Фармонида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шу жумладан, ветеринария, карантин ва санитария соҳаларини қамраб олувчи ўқув курсларини ташкил этиш ва соҳада мажбурий малакасини баҳолаш (аттестация) тизимини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Миллий стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, бекор қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

миллий стандартларга қўйиладиган талаблар;

миллий стандартларнинг тузилиши;

миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби;

миллий стандартларни экспертизадан ўтказиш тартиби;

миллий стандартларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 апрелда эълон қилинган.

миллий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш тартиби;

б) Стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш, юритиш ва тарқатиш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

Стандартлар ягона ахборот базасининг таркиби;

Стандартлар ягона ахборот базасини тўлдириш;

Стандартлар ягона ахборот базасини юритиш;

Стандартлар ягона ахборот базасидаги стандартларни тарқатиш тартиби;

в) Стандартлаштириш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ:

стандартлаштириш режасини шакллантириш тартиби;

стандартлаштиришни молиялаштириш тартиби;

г) Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мутахассисларни малакасини ошириш тартиби;

мутахассисларни аттестациядан ўтказиш тартиби;

талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби;

малака оширганлик ва аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги ягона реестр-ни юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар маҳсулотининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланганда уларга мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи берилганлиги ҳамда мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органига тўлов амалга оширилиши белгиланганлиги инobatга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштрисин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 30 март,
177-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Миллий стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан
ўтказиш, бекор қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг «Ўзбекистон стандартлар институти» давлат муассасасида (кейинги ўринларда — Стандартлар институти) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ миллий стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш, бекор қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом ҳарбий соҳа, давлат сирларини ва бошқа ахборотни ҳимоя қилиш соҳаси, атом энергиясидан фойдаланиш, ядровий ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳаси ҳамда молия ва таълим соҳаларини стандартлаштиришга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дастлабки стандарт — стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ёки ушбу техник қўмита мавжуд бўлмаган тақдирда, Стандартлар институти томонидан стандарт лойиҳасида келтирилган талаблар, илмий ишланмалар, тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилган уч йил муддатгача қабул қилинган стандарт;

миллий стандарт — Стандартлар институти томонидан қабул қилинган ҳамда кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган стандарт;

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита — фаолиятнинг йўналишлари бўйича стандартлаштириш тизимини ривожлантиришни амалга оширишда иштирок этувчи маслаҳат-кенгаш органи;

стандартлаштириш объекти — маҳсулот, товарлар, хизматлар (кейинги ўринларда — маҳсулот), жараёнлар, менежмент тизимлари, атамалар, шартли белгилар, тадқиқотлар (синаш), ўлчаш (шу жумладан, намуналарни танлаш) ҳамда синаш усуллари, тамғалаш, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари ва бошқа объектлар;

ташаббускор — миллий стандартни ишлаб чиқиш бўйича ташаббус кўрсатган, жумладан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар ва фуқаролар;

ўзаро келишув — кўпчилик манфаатдор тарафларнинг мавжуд масалалар бўйича эътирозлари йўқлиги билан тавсифланадиган ҳамда барча тарафларнинг фикрларини инобатга олишга ва мос келмаётган нуқтаи назарларни яқинлаштиришга қаратиладиган жараён натижасида эришиладиган умумий келишув.

3. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

- миллий стандартлар;
- халқаро (минтақавий) стандартлар;
- хорижий мамлакатларнинг стандартлари.

4. Миллий стандартларни ишлаб чиқиш қонунийлик, манфаатдор тарафларнинг ўзаро келишуви, холислик, стандартлардаги такрорланишлар ва зиддиятларнинг олдини олиш тамойилларига асосланади.

Миллий стандартларни ўзаро келишув асосида қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш, бекор қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар кириштишда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Стандартлар институти фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашинишга йўл қўйилмайди.

2-боб. Миллий стандартларнинг тузилиши ва уларга қўйиладиган талаблар

5. Миллий стандартларни баён этиш, расмийлаштириш ва мазмунига қўйиладиган талаблар асос бўлувчи миллий стандартларда белгиланади. Ушбу асос бўлувчи стандартларнинг қўлланиши мажбурий ҳисобланади.

6. Миллий стандарт унинг мазмунига мувофиқ бўлган ҳамда стандартлаштириш объектини ақс эттирувчи қисқа номга эга бўлиши лозим. Ҳужжат номи аниқ ва раво бўлиши керак.

7. Миллий стандартда унинг бошқа бандларига, шунингдек, бошқа стандартларга ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорланишларнинг олдини олиш учунгина йўл қўйилади.

8. Миллий стандартнинг матни лўнда, оддий ва раво тилда баён этилиши керак. Бунда ҳужжатнинг ҳар бир банди тўлиқ ва тугалланган маъно ҳамда мазмунга эга бўлиши лозим.

Миллий стандартда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изохлаш имкониятини истисно этадиган, агар мавжуд бўлса, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

9. Миллий стандартда қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

- оғзаки нутқ шакллари;
- давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда, хорижий тилларнинг атамалари;
- эскирган ҳамда кўп маънони англадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноярлар.

10. Миллий стандартнинг матни умумэтироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

11. Миллий стандартда қўлланиладиган атамаларнинг таърифлари ушбу стандартда келтирилади.

12. Миллий стандартда умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкин.

13. Миллий стандартнинг матни қуйидаги тузилиш элементларига бў-

линиши мумкин: бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар, кичик бандлар. Бўлимлар бандларга ёки тегишли бандлар билан кичик бўлимларга бўлиниши мумкин. Бандлар кичик бандларга бўлиниши мумкин.

Ҳар битта банд ёки кичик банд стандартни алоҳида қоидаларини ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тамомланган матнга эга бўлиши керак.

14. Бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар ва кичик бандлар араб рақамлари билан рақамланади.

Бўлимлар стандартнинг бутун матнида кетма-кет рақамланган бўлиши керак.

Бўлим рақамига бўлим ва кичик бўлим рақамлари, банд рақамига эса нуқталар (нуқта) билан ажратилган бўлим, кичик бўлим ва банд рақамлари (ёки бўлим ва банд рақамлари) киради.

15. Миллий стандартларнинг бўлимлари ва кичик бўлимлари сарлавҳаларга эга. Сарлавҳалар тегишли бўлимлар, кичик бўлимлар, бандларнинг мазмунини аниқ ва қисқа акс эттириши керак.

16. Миллий стандартни расмийлаштиришда лойиҳанинг матни А4 форматидаги қоғоз varaғининг бир томонида унинг матнини камайтирмасдан жойлаштирилиши керак. Саҳифанинг тартиб рақами саҳифанинг пастки ўнг бурчагида жойлаштирилиши керак, 1 рақамидан бошлаб рақамланади.

Миллий стандарт, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади:

«Times New Roman» 12 ўлчамли шрифт;

саҳифанинг чап хошияси 3 см, ўнг хошияси 1,5 см, паст ва юқори хошиялари 2 см;

биринчи қаторнинг сатр бошиси 1,27 см;

хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

17. Миллий стандарт лойиҳаси матнини тайёрлашда грек ёки бошқа алифболарнинг ҳарфларини, формулаларни, алоҳида шартли белгилар Microsoft Word редакторидан фойдаланган ҳолда белгиланиши керак. Бунда ёзилган матннинг зичлиги, қолган матн зичлигига яқинлаштирилган бўлиши керак.

18. Миллий стандарт давлат тилида қабул қилинади ва чоп этилади. Миллий стандартлар фақат Стандартлар институти томонидан шартнома асосида бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.

19. Миллий стандартлар матн тилидан қатъи назар, ҳужжат номининг давлат тилидаги қуйидаги қисқартиришлари билан белгиланади:

Ўзбекистон миллий стандарти — O'zMSt (O'zbekiston Milliy Standarti);

тартиб рақами;

икки нуқта билан ажратилган тасдиқлаш йили;

Дастлабки стандарт — DS (Dastlabki Standart).

20. Миллий стандарт бўлимларининг сарлавҳаси, таркиби ва тузилиши стандартлаштириладиган махсулотнинг хусусиятлари ва унга қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Махсулотларга техник талабларни белгилашни назарда тутувчи миллий стандартлар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

тасниф, асосий параметрлар ва (ёки) ўлчамлар;

умумий техник талаблар;
қабул қилиш қоидалари;

тамғалаш, қадоқлаш, ташиш ва сақлаш.

Стандартлаштириш объектига қараб, бўлимлар Стандартлар институти билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Фойдаланилиши аҳоли саломатлиги ва (ёки) мулкига, шунингдек, атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотлар учун стандартларга «Хавфсизлик талаблари» ва «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари» бўлимлар киритилади. Ушбу бўлимларда фақат стандартлаштириш объектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология талаблари киритилиши лозим.

Бунда конструктив ва бошқа техник талабларни ўрнатиш ва уларга риоя қилиш билан таъминланадиган талаблар «Умумий техник талаблар» бўлимида ўрнатилади.

Миллий стандартларда маҳсулотга ва унинг таснифига, атамаларга, шартли белгиларга, синаш (ўлчаш), намуналар танлаш, тамғалаш усулларига, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомилларига, бошқариш тизимларига доир талаблар белгиланиши мумкин.

Миллий стандартларда ҳуқуқий нормалар киритилиши тақиқланади.

21. Бир турдаги маҳсулот ва хизматларнинг бутун гуруҳига стандартларни ишлаб чиқиш имкони бўлмаганда, маҳсулот ва хизматларнинг муайян тури, маркаси, моделига, ёки бир турдаги маҳсулотнинг ушбу гуруҳига тааллуқли бўлган, барча маҳсулотни қамраб олмайдиган, муайян маҳсулот ва хизмат гуруҳига стандартлар ишлаб чиқилади.

22. Миллий стандарт лойиҳасидаги тамғалашга оид маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида ҳамда техник регламентлар ва стандартларда белгиланган маълумотларга мувофиқ бўлиши керак.

23. Хизматларга тегишли стандартлар таркиби қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

муайян соҳада хизматларни стандартлаштириш бўйича асосий қоидалар;
атамалар ва уларнинг таърифлари;

хизматлар ва (ёки) уларни амалга оширувчи ташкилотлар таснифланиши;

сифат (қулайлик, тежамлилик, эргономиклик, эстетиклилик ва бошқалар) ва хавфсизлик (ёнғин, сейсмик, кимёвий, санитар, радиацион, экологик, энергия самарадор) кўрсаткичлари, мол-мулк бут сақланиши талаблари.

3-боб. Миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби

24. Миллий стандартлар Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита мавжуд бўлмаган соҳалар ва маҳсулотлар бўйича стандартлар Стандартлар институти томонидан ишлаб чиқилади.

25. Ташаббускорлар стандарт ишлаб чиқиш бўйича Стандартлаштириш

бўйича техник қўмитага, ушбу техник қўмита мавжуд бўлмаганда эса, Стандартлар институтига мурожаат қилади.

26. Миллий стандартлар ташаббускорларнинг таклифи ҳамда илм-фан ва технологияларнинг ривожланишини инобатга олган ҳолда қабул қилинган Стандартлаштириш режаси асосида ишлаб чиқилади.

Миллий стандартлар қўйидагилар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилади:

илмий тадқиқотларнинг (синашнинг) ва ўлчашнинг натижалари;

илм-фан ва техника ютуқлари;

маҳсулотнинг янги турларини, жараёнларни ва хизматларни қўллаш орқали орттирилган амалий тажриба;

халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари ҳамда стандартлаштириш объектига доир талабларни белгилайдиган бошқа ҳужжатлар.

27. Миллий стандартни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қўйидаги босқичлардан иборат:

миллий стандартни ишлаб чиқиш учун Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ёки ташаббускор томонидан техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан тасдиқланади;

миллий стандарт Стандартлаштириш бўйича техник қўмитада манфаатдор тарафларнинг вакиллари билан биргаликда ишлаб чиқилади;

миллий стандартда белгиланадиган талаблар синов ва илмий изланишлар натижалари асосида манфаатдор тарафлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади.

28. Миллий стандартларни ишлаб чиқишнинг бошланиши ва якунланиши тўғрисидаги ахборот Стандартлар институтининг расмий веб-сайти ва электрон порталига жойлаштирилади.

29. Лойиҳа тасдиқлангунига қадар Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан келишилиши лозим.

Бунда лойиҳа бўйича келиб тушган таклифлар лойиҳани ишлаб чиққан Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан умумлаштирилади, кўриб чиқилади, заруратга кўра, лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилади.

30. Миллий стандартлар лойиҳалари Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан Стандартлар институтининг расмий веб-сайтига ва электрон порталига жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Стандартлар институтининг расмий веб-сайтига ва электрон порталига жойлаштирилган миллий стандартлар лойиҳалари олтимиш календар кун ичида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

Жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича келиб тушган таклифлар ўн беш календар куни ичида Стандартлаштириш бўйича техник қўмита, у бўлмаганда эса, Стандартлар институти томонидан кўриб чиқилиб, манфаатдор тарафлар билан ўзаро келишув асосида келишилган ҳолда қабул қилинади. Жамоатчилик томонидан келиб тушган таклифлар қабул қилинганлиги ёки

рад этилганлиги тўғрисидаги маълумот Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Бунда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотда рад этилишининг сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим.

Жамоатчилик муҳокамасидан сўнг Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ёки техник қўмита мавжуд бўлмаганда эса, Стандартлар институти тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда уч иш куни ичида миллий стандарт лойиҳасини ўзаро келишув асосида техник муҳокама қилишни ташкил қилади.

31. Техник муҳокама қилинган миллий стандарт ёки дастлабки стандарт лойиҳасини уч иш куни ичида қарор қабул қилиш учун Стандартлаштириш бўйича миллий органга киритишга тайёрлашни ташкил этади.

32. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита раисининг қарори бўйича Стандартлаштириш бўйича техник қўмита йиғилиши онлайн ва офлайн шаклларда ўтказилиши мумкин.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг масъул котиби миллий стандарт ёки дастлабки стандарт лойиҳасини муҳокама қилиш учун уни қабул қилиш бўйича баённома ва хулоса лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан сўнг уч иш куни ичида Стандартлаштириш бўйича техник қўмита аъзоларига Стандартлаштириш бўйича техник қўмита мажлисини ўтказиш тўғрисида, уни ўтказиш шакли кўрсатилган ҳолда электрон шаклда ахборот-телекоммуникация умумий фойдаланиш тармоқлари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳамда Стандартлар институтининг расмий веб-сайти орқали хабарнома юборади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита раиси томонидан миллий стандарт лойиҳаси ёки дастлабки стандарт бўйича келишмовчиликлар мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, ўзаро келишувга эришилган ҳисобланади.

Ўзаро келишувга эришилгандан сўнг Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг масъул котиби миллий стандарт ёки дастлабки стандартни қабул қилиш бўйича ўзаро келишувга эришиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган баённома ва хулосани имзолаш учун Стандартлаштириш бўйича техник қўмита раисига киритади.

33. Миллий стандарт лойиҳасини қабул қилиш бўйича Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан баённома ва хулоса расмийлаштирилади ва ушбу стандарт лойиҳаси билан баённома қабул қилинган кундан бошлаб ўн календарь кун ичида Стандартлар институтига экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш учун юборилади.

Бунда миллий стандарт лойиҳасига уни экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда тасдиқлаш учун электрон нусхада (Word ва PDF форматда) ёки қоғоз шаклида стандарт лойиҳаси, Стандартлаштириш бўйича техник қўмита баённомаси ва хулосаси, стандартни ишлаб чиқишга асос бўлувчи барча ҳужжатлар (мурожаат хати, тушунтириш хати, асосий чора-тадбирлар режаси, илмий изланишлар натижалари тўғрисидаги хулоса, синон баённомалари) илова қилинади.

34. Дастлабки стандартни ишлаб чиқиш ва келишиш талаблари:

дастлабки стандарт билан ўрнатилган кўрсаткичлар (талаблар) Ўзбе-

кистон Республикасида амалда бўлган тегишли маҳсулотларга оид миллий стандартлар, халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари талабларидан паст бўлишига ва такрорланишига йўл қўйилмайди;

дастлабки стандарт лойиҳаси Стандартлаштириш бўйича техник қўми-тада, агарда Стандартлаштириш бўйича техник қўмита мавжуд бўлмаган тақдирда, Стандартлар институтида миллий стандартга қўйилган талаблар асосида ишлаб чиқилади, келишилади, экспертизадан ўтказилади ва муайян қисқа муддатга қабул қилинади;

ишлаб чиқилган миллий стандарт лойиҳаси Стандартлаштириш бўйича техник қўми-тада ёки у мавжуд бўлмаганда Стандартлар институтида «миллий стандарт» кўринишида қабул қилиш лозим деб топилмаган тақдирда, Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ёки Стандартлар институти хулосасига асосан дастлабки стандарт кўринишида уч йил муддатгача қабул қилиниши мумкин. Бунда дастлабки стандарт кейинчалик, ишлаб чиқарувчи томонидан дастлабки стандарт фойдаланилиши давомида етарли тажриба тўплангани, унда келтирилган талаблар, илмий ишланмалар, тадқиқотлар ўз тасдиғини топгани тўғрисида хулоса асосида «миллий стандарт» сифатида ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

Дастлабки стандартнинг амал қилиш муддати тадқиқотлар тугалланмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва Стандартлаштириш бўйича техник қў-мита ёки Стандартлар институти хулосасига асосан фақат бир марта икки йилгача муддатга узайтирилиши мумкин.

4-боб. Миллий стандартларни экспертизадан ўтказиш тартиби

35. Экспертизага қўйиладиган умумий талаблар қўйидагилардан иборат: миллий стандартлар мамлакатимиз илм-фани ва хорижий илм-фан ютуқларига асосланиши;

амалдаги қонунчилик, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалар талабларига зид бўлмаслиги;

миллий стандартни қабул қилишда ўзаро келишувга эришилганлиги.

36. Миллий стандарт лойиҳасининг экспертизаси Стандартлар институти томонидан ўн иш кунидан ошмаган муддатда ўтказилади ва унинг натижаси бўйича эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

Стандартлар институти экспертиза жараёнига тегишли соҳада мутахас-сисларни шартнома асосида жалб қилиши мумкин.

Стандартлар институти томонидан ишлаб чиқилган миллий стандарт лойиҳасининг экспертизаси ушбу миллий стандартни ишлаб чиқиш жараё-нида иштирок этмаган ҳамда ишлаб чиққан мутахасисларнинг бевосита бўйсунувида бўлмаган мутахасислар томонидан амалга оширилади.

Экспертиза асос бўлувчи стандартлар асосида ўтказилади ва хулоса расмийлаштирилади.

Экспертнинг ижобий натижалари бўйича расмийлаштирилган эксперт

хулосаси стандарт лойиҳасини тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлади.

37. Экспертизанинг қуйидаги тартиб ва турлари ўрнатилади:
норманазорат;
терминологик;
метрологик;
очик эълон қилишга тегишли бўлмаган маълумотлар назорати;
техник экспертиза;
нашриёт таҳрири.

38. Норманазоратда қуйидагилар текширилиши керак:
ҳаволаларнинг тўғрилиги ва қонунийлиги, зарур ахборот қидирув белгиларини тўғри ёзилганлиги (номи, белгиланиши, маҳсулотларни умумий давлат таснифлагичидаги коди (МУТ), стандартларни умумий давлат таснифлагичидаги гуруҳи (СУТ белгилар, қисқартириш, киритилиш санаси ва/ёки амал қилиш муддати, ишлаб чиқилган ҳужжат ўрнига норматив ҳужжат тўғрисида маълумот), тегишли ташкилотлар билан келишилганлиги, жадвалларнинг ва чизмаларнинг тўғри тўлдирилганлиги, ҳужжатларни расмийлаштирилиши ва тузилиши тўғрилиги.

39. Терминологик экспертиза белгиланган илмий-техник атамалар, халқаро (минтақавий) ва миллий терминологик стандартларга риоя қилиш тўғри қўлланилишини текшириш босқичи ҳисобланади.

40. Метрологик экспертизада стандартларнинг метрология соҳасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги текширилади.

41. Очик эълон қилишга тегишли бўлмаган маълумотлар киритилган стандартлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилади.

42. Техник экспертизани ўтказишда қуйидагилар текширилади:

миллий стандартларни тузиш, баён этиш, расмийлаштириш мазмуни ва белгиланишига қўйиладиган умумий талаблар асос бўлувчи стандартлар талабларига мувофиқлиги;

миллий стандарт номининг техник топшириққа (мавжуд бўлса), стандартлар мазмунига ва стандартлаштириш режаларига мувофиқлиги, стандартлаштириш объектининг стандарт тоифасига мувофиқлиги;

миллий стандарт мазмуни ва ифода этилишининг тўғрилиги, аутентиклиги;

миллий стандарт кўрсаткичларининг техник регламентлар, халқаро (минтақавий) стандартлар ва миллий стандартлари талабларига мувофиқлиги;

такрорланиш омили ва мавжуд ўзаро боғлиқ бўлган амалдаги миллий стандарт билан орасида зиддият мавжуд эмаслиги.

43. Нашриёт таҳрири илмий-адабий ва техник таҳрирни ўз ичига олади.

44. Миллий стандарт қайта кўриб чиқишга қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига зид бўлганда;

Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартлаштириш тизими талабларига жавоб бермаса;

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитада ва Стандартлар институти томонидан расмийлаштирилган баённомада ўзаро келишув шартлари ушбу Низомнинг 27-бандига мувофиқ бажарилмаган бўлса.

45. Ушбу Низомнинг 44-бандида келтирилган сабабларга кўра миллий стандарт лойиҳаси қайта кўриб чиқиш учун тегишли Стандартлаштириш бўйича техник қўмитага қайтарилади.

Экспертиза хулосасига асосан миллий стандарт лойиҳаси Стандартлаштириш бўйича техник қўмита аъзолари ва манфаатдор тарафлар иштирокида ўттиз иш кунида қайта кўриб чиқилади ҳамда Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан баённома расмийлаштирилган ҳолда қайта экспертиза қилиш учун Стандартлар институтига киритилади.

Миллий стандарт лойиҳаси Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддатда қайта экспертизадан ўтказиш учун Стандартлар институтига киритилмаганда, лойиҳа янги киритилган ҳисобланади ҳамда уни қайта экспертизадан ўтказиш учун мазкур банднинг олтинчи хатбошисида белгиланган миқдорда тўлов амалга оширилади.

Миллий стандарт лойиҳаси тақдим этилган кундан бошлаб етти иш кунидан кўп бўлмаган муддатда такрорий экспертизадан ўтказилади.

Бунда такрорий экспертизани дастлабки эксперт хулосасида кўрсатилмаган камчиликлар бўйича ўтказишга йўл қўйилмайди.

Миллий стандарт лойиҳаси экспертизаси фақат Стандартлар институти томонидан шартнома асосида (бир саҳифаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи) амалга оширилади. Бунда экспертиза учун тўловлар Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ёки ташаббускорлар билан тузилган шартнома асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Миллий стандартларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

46. Миллий стандартлар экспертизанинг ижобий хулосаси асосида Стандартлар институти томонидан беш иш кун ичида қарор қабул қилиш йўли билан тасдиқланади.

Қарорда миллий стандартнинг белгиланиши бўйича тартиб рақами кўрсатилади.

Миллий стандартлар чекланмаган муддатга ва дастлабки стандартлар уч йил муддат даврда амал қилишга қабул қилиниши мумкин.

Бунда миллий стандартни амалга киритиш санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

47. Миллий стандартлар давлат рўйхатига олиш ва тасдиқлаш учун электрон нусхада (Word ва PDF форматда) ҳамда қоғоз шаклида топширилади.

Бунда миллий стандарт лойиҳасига уни давлат рўйхатига олиш ва тасдиқлаш учун Стандартлаштириш бўйича техник қўмита баённомаси ва хулосаси, стандартни ишлаб чиқишга асос бўлувчи барча ҳужжатлар (тушунтириш хати, чора-тадбирлар режаси, илмий изланишлар натижалари

тўғрисидаги хулоса, синов баённомалари) нусхалари ва экспертиза хулосаси илова қилинади.

48. Стандартлар институти томонидан миллий стандартни тасдиқлаш бўйича қабул қилинган қарор ушбу миллий стандарт тоифаси бўйича давлат реестрига киритилади.

49. Миллий стандартнинг биринчи саҳифасида давлат рўйхатига олинган сана ва рақам кўрсатилади ва автоматлаштирилган тизим орқали миллий стандартнинг барча саҳифалари, рўйхатга олиш маълумотларини ўз ичига олган QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланади.

50. Миллий стандарт кенг жамоатчилик томонидан фойдаланиш учун Стандартлар институтининг расмий веб-сайтига қабул қилинган кундан бошлаб беш календарь куни ичида жойлаштирилади ва мунтазам янгилаб борилади.

51. Қабул қилинган миллий стандартлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўпи билан олтимиш кундан кейин кучга киради.

6-боб. Миллий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш тартиби

52. Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш, миллий стандартларни алмаштириш, алоҳида талабларга қўшимчалар киритиш ёки уларни чиқариб ташлаш, миллий стандартларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш ёки тиклаш, уларга янги талаблар киритиш ва уларни халқаро (минтақавий) стандартлар билан уйғунлаштириш амалдаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келмайдиган ҳолларда амалга оширилади.

53. Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш мазкур стандартни ишлаб чиқувчи ёки Стандартлар институти томонидан амалга оширилади.

54. Миллий стандартга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш бўйича таклифлар Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан кўриб чиқилади. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита мавжуд бўлмаган соҳалар, йўналишлар ва маҳсулотлар бўйича миллий стандартлар Стандартлар институти томонидан кўриб чиқилади.

Бунда миллий стандартга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш ушбу Низомнинг 26 ва 27-бандлари ҳамда асос бўлувчи миллий стандартлар талаблари асосида амалга оширилади.

55. Миллий стандартга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳалари унинг матнини қисман ўзгартириш (алмаштириш), талабларни чиқариб ташлаш ёки қўшиш ҳамда миллий стандартнинг амал қилиш муддатини узайтириш, чегаралаш, чегаралашни бекор қилиш орқали амалга оширилади.

Миллий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби мазкур Низомнинг 4 ва 5-бобларида назарда тутилган тартибга асосан амалга оширилади.

56. Миллий стандартга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг иловалари, жадваллари, бўлимлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ўзгармайди.

57. Миллий стандартларни бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

мазкур стандартларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид эканлиги;

мазкур стандартлар ўрнига янги миллий, халқаро (минтақавий) стандарт амалга киритилганлиги;

мазкур стандартни қўллашнинг долзарблиги йўқолганлиги.

58. Миллий стандартни бекор қилиш ташаббуси билан чиққан шахслар уни бекор қилиш учун Стандартлаштириш бўйича миллий органга стандартни бекор қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини асослантирган ҳолда ўз таклифларини юборади.

Бунда миллий стандартни бекор қилиш бўйича Стандартлар институтининг тегишли қарори қабул қилинади.

59. Миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги ахборот Стандартлар институтининг расмий веб-сайтига ҳамда электрон порталига жойлаштирилади, шунингдек, жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш олтмиш календарь куни ичида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига
2-ИЛОВА

Стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш, юритиш ва тарқатиш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом стандартлаштириш соҳасидаги стандартларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш, юритиш ва тарқатиш тартиби бўйича ишларни ташкил этиш қўйилладиган асосий талабларни белгилайди.

2. Стандартларнинг ягона ахборот базаси (кейинги ўринларда — Ягона ахборот базаси) «Маълумотнома излаш» ахборот тизими билан биргаликда қоғоз ва электрон шаклдаги стандартларнинг тизимлаштирилган фондидан иборат.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ўзлари ишлаб чиққан стандартларнинг ахборот базасини ташкил этишлари, шакллантиришлари ва юритишлари мумкин. Бунда ушбу стандартларнинг Ягона ахборот базасидаги стандартлар билан айнан бир хиллиги таъминланиши шарт.

3. Ягона ахборот базаси:

юридик ва жисмоний шахсларга стандартлаштириш соҳасидаги стандартлар тўғрисида тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ахборот бериш;

стандартлаштириш соҳасида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашиш;

стандартлаштириш соҳасидаги стандартлар тўғрисидаги ахборотларнинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

4. Стандартлаштириш бўйича миллий орган — Стандартлар институти:

Ягона ахборот базаси шакллантирилиши, юритилиши, сақланиши, тизимлаштирилиши, ҳисобга олиниши ва долзарблиги ташкил этилишини;

юридик ва жисмоний шахслар стандартлаштириш соҳасидаги стандартлар тўғрисида тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ахборот берилишини таъминлайди.

2-боб. Ягона ахборот базасининг таркиби ва уни тўлдириш

5. Ягона ахборот базаси таркибига белгиланган тартибда тасдиқланган қуйидагилар киритилади:

миллий стандартлар;

стандартлаштириш бўйича халқаро (минтақавий) ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари ҳамда миллий ташкилотларнинг расмий ахборот нашрлари ҳисобланган классификаторлар, каталоглар ва кўрсаткичлар;

стандартлаштириш соҳасидаги барча стандартларнинг электрон вариантлари.

6. Стандартлар тўпламида қуйидагилар бир нусхада архивда сақланади:

а) тасдиқланган стандартнинг қарори (буйруғи);

б) тушунтириш хати, стандартга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар;

в) ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни киритиш бўйича таққослама жадвал;

г) техник қўмита ва экспертиза хулосалари;

д) техник қўмита баённомаси, стандартни ишлаб чиқишга асос бўлувчи барча ҳужжатлар:

ташаббускор аризаси;

маҳсулот (хизмат, жараён) тавсифи;

ушбу стандарт лойиҳаси қамраб олган масалада аввалги қабул қилинган ва амалдаги стандартлар рўйхати (агар бўлса);

илмий изланишлар натижалари тўғрисидаги хулоса, синов баённомалари, чизмалар, ҳисоб-китоблар, мутахассислар хулосалари (агар бўлса);

стандартни асл нусхасининг қоғозда ва электрон шакли (Word ва PDF форматларида).

3-боб. Ягона ахборот базасини юритиш

7. Стандартлар жамланиб, уларга тегишли бўлган ҳужжатлар билан бирга ҳисобга олинади ва электрон шаклда, Word ва PDF форматларида Ягона ахборот базасида сақланади.

Ягона ахборот базаси махсус серверга жойлаштирилади, ушбу сервердаги ҳужжатларга хавфсизлик талабларига риоя этилган ҳолда, фақат махсус рухсат этилган ходимларнинг киритилиши таъминланади.

8. Амал қилиш муддати тугаган стандартларнинг қоғоз шаклидаги нусхасига «Архив нусхаси» штамп босилиб, қоғоз архивига юборилади, электрон нусхаси эса Ягона ахборот базаси архивига киритилиб, ўн йилгача муддат сақланади.

9. Ягона ахборот базасига киритилган ҳар бир стандарт қабул қилиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида йиллик кўрсаткичларда ва Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида яратилган «E-Standard» электрон платформасида акс эттирилади.

10. Стандарт бекор қилинганда ёки бир стандарт бошқа стандарт билан алмаштирилганда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида яратилган «E-Standard» электрон платформасида акс эттирилади.

11. Стандартларнинг қоғоз шаклидаги нусхалари махсус шароитлар билан таъминланган хоналарда сақланади.

12. Ягона ахборот базасининг стандартлари белгиланган тартибда доимий равишда янгиланган борилади ва долзарблиги таъминланади.

13. Архивда сақланаётган стандартлар тўғрисидаги маълумотлар Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида яратилган «E-Standard» электрон платформасида акс эттирилади.

14. Ягона ахборот базасини шакллантириш, юритиш, стандартларни сақлаш ва бошқа вазифаларни ташкил этиш учун тартибларни тасдиқлаш фақат Стандартлар институти томонидан амалга оширилади. Бунда халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг стандартлар ахборот базасини юритиш бўйича тартиблари ва тавсиялари инобатга олинади.

15. Стандартлар институтидан бошқа ташкилотлар, жумладан республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, ва бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан миллий, халқаро (минтақавий), хорижий мамлакатларнинг стандартларини ягона ахборот базасини шакллантирилиши, юритилиши ва тарқатилиши йўл қўйилмайди.

4-боб. Ягона ахборот базасидаги стандартларни тарқатиш тартиби

16. Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида эълон қилинган стандартлар долзарб стандартлар ҳисобланиб, мувофиқликни баҳолаш органлари, синов лабораториялари, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва бошқа фойдаланувчилар расмий веб-сайтдан электрон кўринишда 11 хоналик махсус код ва буюртмачиларнинг номи кўрсатилган ҳолда олинган стандартлардан фойдаланишлари лозим.

17. Ягона ахборот базасидаги миллий, дастлабки, халқаро (минтақавий) ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари барча фойдаланувчиларга Стандартлар институти томонидан унинг расмий веб-сайтида яратилган «E-Standard» электрон платформаси орқали шартнома асосида тарқатилади.

18. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси назорат давомида ҳамда «Ўзбекистон аккредитация маркази» давлат муассасаси мувофиқликни баҳолаш даврида айнан Стандартлар институтининг расмий веб-сайтдан олинган стандартлардан фойдаланиши юзасидан назоратни амалга оширадilar.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига
3-ИЛОВА

Стандартлаштириш режасини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом стандартлаштириш соҳасининг мақсадлари ва уни ривожлантириш йўналишлари бўйича қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ўн йилгача) муддатли истиқболли режаларни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Стандартлаштиришга доир ишлар стандартлаштириш режасига асосан амалга оширилади.

3. Стандартлаштириш соҳасидаги қуйидаги субъектларнинг стандартлаштириш режасини шакллантириш ва амалга оширишдаги асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги — стандартлаштириш режасининг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти — стандартлаштириш режасини амалга оширади;

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида — янги стандартларни ишлаб чиқишга, амалдаги стандартларга ўзгартишлар киритишга, уларни қайта кўриб чиқишга ва бекор қилишга доир тайёрлаган таклифларини стандартлаштириш режасига киритиш учун Ўзбекистон стандартлар институтига тақдим этади ҳамда стандартлаштириш режасида назарда тутилган вазифаларни бажаради;

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита — янги миллий стандартларни ишлаб чиқишга, амалдаги миллий стандартларни қайта кўриб чиқишга доир стандартлаштириш режасига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ҳамда стандартлаштириш режасига киритилган стандартларни ишлаб чиқишни амалга оширади.

2-боб. Стандартлаштириш режасини шакллантириш тартиби

4. Стандартлаштириш режаси қуйидагилар асосида шакллантирилади: стандартлаштириш бўйича манфаатдор тарафларнинг, техник қўмиталарнинг таклифлари ва халқаро тажриба;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг иш режалари;

стандартлаштириш соҳасида мониторинг натижалари;

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш натижалари.

5. Стандартлаштириш режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

стандартнинг халқаро таснифлагич коди;

халқаро (минтақавий) ёки миллий стандарт лойиҳасининг номи;
стандартларни ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш) асоси;
стандартлаштиришга доир ишларни амалга ошириш муддатлари;
молиялаштириш манбаи;

таклиф-буюртмани тақдим этган буюртмачи ташкилот;
иктисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот таснифининг коди.

6. Стандартлаштириш бўйича қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ўн йилгача) муддатли истиқболли режаларни шакллантириш мақсадида ҳар йили январь ойида тадбиркорлик субъектлари томонидан келгусида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулот, хизмат ва фаолият учун халқаро стандартларни таржима қилиш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларига Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки Стандартлар институти томонидан ёзма ва электрон шаклда сўровнома юборилади.

Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида таклифлар қабул қилиниши тўғрисида эълон берилади.

7. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ўзларига тегишли соҳалар мутахассисларини жалб қилган ҳолда, март ойигача истиқболда керак бўладиган стандартларни аниқлайдилар ва умумлаштирадилар, бунда таклифларда стандартлаштиришни молиялаштириш манбаи белгиланади.

8. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки Стандартлар институти стандартлаштириш соҳасида мониторинг натижалари, соҳа мутахассисларининг таклифлари, мувофиқликни баҳолаш фаолияти натижаларини инобатга олган ҳолда, март ойигача қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ўн йилгача) муддатли истиқболли режалар лойиҳасини ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун қўшимча равишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, техник қўмиталарга кўриб чиқиш ҳамда ўзининг якуний таклифларини тайёрлашда инобатга олиш учун юборади.

9. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, техник қўмиталар келгусида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулот, хизмат ва фаолият учун халқаро стандартларни таржима қилиш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича якуний таклифлар, Ҳукумат томонидан белгиланган вазифа ва топшириқлар инобатга олинган ҳолда, ҳар йилнинг сентябрь ойига қадар тайёрлаб, Стандартлар институтига тақдим этади.

10. Стандартлар институти таклифларни таҳлил қилиб, ҳар йилнинг 1 декабрига қадар келгуси йил учун йиллик қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ўн йилгача) муддатли истиқболли режаларни иловага мувофиқ шакллантиради ва Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тасдиқлаш учун киритади.

Йиллик режани шакллантиришда халқаро стандартларнинг долзарблиги инобатга олинади.

11. Стандартлаштириш режасининг ижроси даврида, унга манфаатдор тарафларнинг таклифларига кўра ўзгартириш киритилиши мумкин.

3-боб. Стандартлаштиришни молиялаштириш

12. Стандартлаштириш режасида назарда тутилган миллий стандартларни ишлаб чиқишга доир ишлар давлат томонидан молиялаштирилади.

13. Ушбу Низомга иловага мувофиқ шаклда шакллантириладиган ва тасдиқланадиган келгуси йил учун йиллик режадаги тадбирлар тегишли манфаатдор томонларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

14. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда техник қўмиталар тасдиқланган стандартлаштириш режаси асосида халқаро стандартларни давлат тилига таржима қилиш, стандартларни ишлаб чиқиш, техник экспертиза қилиш ва бошқа хизматлар харажатлари учун Стандартлар институти билан шартнома асосида тегишли маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб берилишини таъминлайди.

Стандартлаштириш режасини шакллантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Стандартлаштириш бўйича қисқа (бир йилгача), ўрта бир йилдан беш йилгача) ва узок
(беш йилдан ўн йилгача) муддагли истиқболли режалар
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Стандартга талабгор ташкилот	Техник қўмита	Стандарт (махсулот, фаолият) номи	Ишлаб чиқишга асос ва мақсад	Молиялаштириш манбаи	Ишлаб чиқишнинг бошланиши	Ишлаб чиқишнинг тугаши ва тасдиқлашга киритиш	Аналоги мавжудлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,
метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария,
карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг
малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — ташкилотлар) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аттестация комиссияси — баҳоловчилар, жалб қилинадиган техник экспертлар, соҳа мутахассисларидан иборат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти (кейинги ўринларда — Стандартлар институти) ҳузурида ташкил этиладиган комиссия;

мутахассис — ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳаларида фаолият юритадиган ишчи-ходим;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳаларида аттестация — техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳаларида фаолият юритувчи мутахассисларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш, касбий тайёргарлигининг бажарадиган вазифалар ва функцияларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган имтиҳон.

3. Аттестация мутахассислар малакасини ошириш — соҳадаги назорат ва амалий билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёрлиги бажариладиган вазифалар ва функцияларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Мутахассислар аттестациядан уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш, уларнинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

2-боб. Мутахассислар малакасини ошириш тартиби

4. Мутахассислар малакаси ҳар уч йилда камида бир марта оширилади. Мутахассислар малакаси онлайн (масофавий), офлайн (институт биносида) ва жойларга чиққан ҳолда оширилади.

5. Мутахассисларнинг малакасини ошириш дастурлари Стандартлар институти томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ташкилотлар малака ошириш дастурлари таркибига ўз таклифларини беришлари мумкин.

6. Мутахассислар малакаси Стандартлар институти билан талабгорлар ўртасидаги тузиладиган шартномалар асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

7. Малакаси оширилган мутахассисларга мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ намунадаги Ўзбекистон стандартлар институтида мутахассиснинг Малака оширганлиги тўғрисида сертификат берилади.

8. Малака ошириш курсларида сабабсиз қатнашмаган ёки ички тартиб-қоидаларга амал қилмаган мутахассисларга сертификат берилмайди. Малака ошириш курсларида қатнашмаганлик ёки ички тартиб-қоидаларга амал қилмаганлик тўғрисида билдиришнома гуруҳ раҳбарлари томонидан Стандартлар институти директориغا киритилади. Бунда шартнома бўйича тўланган маблағлар қайтарилмайди.

Айрим сабабларга кўра (меҳнат таътили, меҳнатга лаёқатсизлик даври ва бошқа ҳолатларда) малака ошириш курсларида қатнаша олмаган мутахассислар ташкилот раҳбарининг мурожаатномасига асосан кейинги малака ошириш курсларига аввалги тўланган тўловлар эвазига киритилади.

9. Малака ошириш ўқув курслари учун тўловлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

уч кунлик ўқув курси учун — БҲМнинг 1 баравари;

бир ҳафталик ўқув курси учун — БҲМнинг 3 баравари;

икки ҳафталик ўқув курси учун — БҲМнинг 5 баравари;

уч ҳафталик ўқув курси учун — БҲМнинг 10 баравари;

тўрт ҳафталик ўқув курси учун — БҲМнинг 14 баравари.

10. Малака ошириш даврида рўйхатдан ўтказувчиларнинг иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи ва лавозими сақланади.

3-боб. Мутахассисларни аттестациядан ўтказиш

11. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассислари малакаси тегишли равишда Стандартлар институтида ҳар уч йилда бир марта баҳоланиши шарт.

Мутахассислар малакаси улар ишлаётган ташкилотлар томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш масалаларида аттестация қилиниши тақиқланади.

12. Ишга қабул қилинган мутахассис бир йилдан сўнг Стандартлар институтида соҳа бўйича малакасини оширганидан сўнг аттестациядан ўтказилиши шарт.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалар билан боғлиқ соҳаларда аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига икки ойдан кам бўлмаган муддатда Стандартлар институтида қайтадан малакаси оширилиб, қайта аттестациядан ўтказилади.

Мазкур Низомда назарда тутилган муддатларда мутахассислар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтишини таъминлашга иш берувчи ташкилот раҳбари масъул ҳисобланади.

13. Ташкилот ушбу Низомда назарда тутилган тегишли муддатлар ёки мутахассиснинг аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан икки ой олдин ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган тартибда Стандартлар институтига мурожаат қилади.

Агар ташкилот мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган муддатда тегишли ҳужжатларни узрли сабабларсиз Стандартлар институтига тақдим этмаса, Стандартлар институти ташкилотнинг раҳбарига ёзма огоҳлантириш бериши шарт.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси назорат давомида ҳамда «Ўзбекистон аккредитация маркази» давлат муассасаси мувофиқликни баҳолаш даврида мутахассислар малакаси оширилганлиги ва аттестациядан ўтганлиги талабининг бажарилишини ҳам ўрганади.

14. Ташкилотлар мутахассисларининг малакаси Стандартлар институти томонидан аттестациядан ўтказилади.

15. Ҳар бир тегишли соҳада малакани аттестациядан ўтказиш мақсадида Стандартлар институти ҳузурида камида етти кишидан иборат таркибда алоҳида Аттестация комиссияси тузилади.

Стандартлар институтининг буйруғи билан ҳар бир соҳада Аттестация комиссияси таркиби, раис ўринбосари ва комиссия котиби тасдиқланади.

Стандартлар институти директорининг ўринбосари (илмий-ишлар бўйича) лавозими бўйича аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссияси таркибига келишувга кўра Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Стандартлар институтининг мутахассислари, малакали профессор-ўқитувчилар, баҳоловчилар, экспертлар, малакаси баҳоланаётган ташкилотнинг соҳа мутахассислари киритилади, бунда айни бир мутахассиснинг малакаси оширилишида иштирок этган комиссия аъзоси ушбу ходимнинг аттестациясига кирмайди.

16. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;

аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;

аттестациядан ўтказиладиган мутахассисларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни амалга оширади.

Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари амалга оширади.

4-боб. Талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби

17. Ташкилот мутахассиси (талабгор)нинг аттестациядан ўтиши тўғрисидаги аризани (онлайн тарзда юборилиши мумкин) Стандартлар институтига белгиланган муддатларда электрон равишда юборади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун талабгорнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича анкетаси;

талабгор чет мамлакатларда таълим олган бўлса, чет мамлакатларда таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ва ваколатли давлат органи томонидан берилган таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги ёки эквивалентлиги қайд этилган гувоҳнома нусхаси;

иш жойидан тавсифнома;

малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат нусхаси.

Аризани кўриб чиқиш учун БҲМнинг 1,5 баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги ва баҳолаш (аттестация) гувоҳномаси берилганлиги учун тўлов Стандартлар институтининг бюджетдан ташқари жамғармасига тушади.

18. Ҳужжатлар келиб тушган кунидан бошлаб икки кун муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, ишчи орган томонидан аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва ташкилотга тегишли хабарнома юборилади. Хабарномада аниқланган камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш ҳамда такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

19. Аттестациядан ўтказиш рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин. Бунда ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун ҳақ ундирилмайди.

20. Қуйидагилар аттестациядан ўтказиш рад этилиши учун асос ҳисобланади:

зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этганлик ёки ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

шартнома асосида пул тўланмаганлик.

21. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, талабгор ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки ой давомида аттестациядан ўтказилиши керак.

5-боб. Аттестацияни ўтказиш тартиби

22. Аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида тегишли ташкилотга аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин электрон шаклда хабарнома юборилади.

23. Талабгорнинг ҳужжатлари аттестациядан ўтишга тақдим этилган

бўлсада, узрли сабабга кўра келмаган тақдирда, аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилишига рухсат этилади.

Аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгорлар бўйича улар ишлаётган ташкилот раҳбарларига хабарнома юборилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган тақдирда, аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб ҳисоблаш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор чиқаришга сабаб бўлади.

24. Аттестация комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, комиссия мажлиси ваколатли ҳисобланади.

25. Аттестация комиссияси мажлиси комиссия аъзоларини талабгорнинг ҳужжатлари билан таништиришдан бошланади.

26. Аттестация тест синовлари шаклида ўтказилади.

Аттестация компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда, талабгор танлаган тилда (ўзбек ва рус тилларида) 50 (элликта) тест саволларига жавоб бериш шаклида ўтказилади ва натижаси шу вақтнинг ўзида маълум қилинади. Жавоблар учун талабгорга бир соат вақт ажратилади.

Саволларнинг 70 фоизига тўғри жавоб берган мутахассис аттестациядан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

Ташкилотлар аттестация саволлари таркибига ўз тақлифларини беришлари мумкин. Аттестация саволларини тайёрлашда IWA 30-1:2019 «Стандартлар бўйича мутахассисларнинг малакаси. 1-қисм. Ташкилотларда.», IWA 30-2:2019 «Стандартлар бўйича мутахассисларнинг малакаси. 2-қисм. Стандартлар билан боғлиқ ташкилотларда.» халқаро стандартлардан фойдаланилади. Саволлар Стандартлар институти томонидан тасдиқланади.

Аттестациянинг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш мақсадида аттестация онлайн режимда намоёниш этилади, узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ва Ўзбекистон Стандартлар институтида уч йил мобайнида сақланади.

27. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган шахс аттестация ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан сўнг аттестацияни қайта топшириш ҳукукига эга.

Аттестация комиссияси «аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган шахс ёки у ишлаётган ташкилот аризасига кўра унинг аттестацияни қайта топшириш кунини белгилайди. Қайта топшириш натижаларига кўра «аттестациядан муваффақиятли ўтган» деб баҳоланган тақдирда, унга гувоҳнома умумий асосларда берилади.

Аттестацияни биринчи марта қайта топшириш учун ҳақ ундирилмайди.

28. Аттестациядан муваффақиятли ўтган талабгорга беш кун муддатда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон стандартлар институтида мутахассиснинг аттестациядан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати — 3 (уч) йил.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳи-

собга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳномаларни сотиб олиш, кирим қилиш ва сақлаш Стандартлар институти томонидан амалга оширилади.

29. Мутахассиси аттестациядан ўта олмаган ташкилот ёки талабгорнинг ўзи такрорий аттестациядан ўтказиш учун аттестация ўтказилган кундан бир ой ўтгач, олти ой мобайнида мурожаат қилиши мумкин.

Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддатда такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, аттестация комиссияси унинг иш жойига хабарнома юборади.

30. Ташкилот раҳбари хабарнома олинган кундан кейин ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги асосларидан келиб чиқиб, ходимга нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган чораларни кўради.

31. Ташкилот ёки талабгор аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

6-боб. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатларини қайта расмийлаштириш ва тақдим этиш

32. Аттестациядан муваффақиятли ўтган мутахассиснинг гувоҳномаси унинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, ташкилотнинг аризасига асосан аттестация комиссияси томонидан гувоҳнома қайта расмийлаштириб берилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар мутахассис ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

33. Қайта расмийлаштириш жараёнида аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қолдирилади. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги олдинги гувоҳнома бекор қилинади.

34. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, мутахассиснинг аризасига кўра унинг дубликати тақдим этилади.

35. Дубликатни беришда мутахассисга Стандартлар институти томонидан «Дубликат» белгиси қўйилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади.

36. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг қайта расмийлаштирилиши ёки дубликатининг тақдим этилиши учун аттестациядан қайта ўтиш талаб қилинмайди.

7-боб. Малака оширганлик ва аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги ягона реестрни юритиш тартиби

37. Стандартлар институти — техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ соҳалар мутахассисларининг малакаси оширилганлиги ва аттестациядан ўтганлиги

тўғрисидаги ахборот киритилган Ягона реестрни (кейинги ўринларда — Реестр) юритади.

Реестр электрон ва қоғоз шаклда юритилади.

Электрон шаклдаги реестр Стандартлар институтининг расмий веб-сайтида юритилади, қоғоз шаклидаги реестр Стандартлар институтида тикилган ва муҳрланган журнал кўринишида расмийлаштирилади ва сақланади.

38. Реестр журнали қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади. Стандартлар институти қоғоз ва электрон шаклдаги реестрларнинг бир-бирига мос келишига жавобгардир.

39. Реестрда мутахассис тўғрисида қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

яшаш жойи ва паспорт маълумотлари;

мутахассиснинг малакаси оширилганлиги ҳақида маълумот;

аттестация даврида иш жойи ва лавозими;

аттестация йўналиши;

аттестациядан ўтказилган жой, гувоҳноманинг тартиб рақами, бланкасининг тартиб рақами, санаси ва амал қилиши муддати;

аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, вақтинча тўхтатиб туриш, тиклаш, ёки бекор қилиш ҳамда дубликат бериш санаси ҳамда асослари;

мутахассисни Реестрдан чиқариш санаси ва асоси.

40. Реестрга Мутахассис тўғрисидаги маълумотлар ва уларга ўзгартиришлар Аттестация комиссиясининг тегишли баённомалари асосида киритилади.

41. Қоғоз шаклидаги Реестрга киритилган ва ўзгартирилган маълумотлар Стандартлар институтининг расмий веб-сайтидаги Реестрга бир кун давомида жойлаштирилади.

42. Мутахассислар тўғрисидаги ҳужжатлар киритилган йиғма жилднинг сақланиш муддати беш йил.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

43. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалар билан боғлиқ соҳаларда фаолият юритувчи мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда, (бўшатиш ёки бошқа лавозимга тайинлаш ва бошқалар), улар ишловчи ташкилотлар ўн кун муддатда тегишли ахборотни Стандартлар институтига юборишлари шарт.

44. 45-банддаги маълумотлар асосида Стандартлар институти ҳар чоракнинг 10-санасигача мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар базасини янгилаб боради.

45. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар уларни юборган ташкилот маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

46. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария

соҳалар билан боғлиқ соҳаларга мутахассисларни ишга олишда, уларни лавозимларга тайинлашда ташкилот раҳбарлари мутахассис тўғрисидаги маълумотни Реестрдаги маълумотларга асосланган ҳолда солиштириш ва қайта текширишга, шу асосда мутахассиснинг ўз лавозимида қолиши ёки тайинланишига масъулдир.

47. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин, санитария ва улар билан боғлиқ соҳалар мутахассисларининг малакасини ошириш ва аттестация ўтказиш фақат Стандартлар институти томонидан амалга оширилади. Соҳа бўйича малака ошириш ва аттестациядан ўтказиш функциялари мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларда амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

48. Мазкур Низом талабларига риоя этмаган ташкилот раҳбарлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш,
стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни
баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва
санитария соҳалари мутахассисларининг мала-
касини ошириш ҳамда уларни аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани
олиш учун талабгор
АНКЕТАСИ**

1. Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

2. Туғилган санаси (йил, кун ва ой) _____

3. Паспорт (Шахс гувоҳномаси)нинг серияси, рақами, берилган санаси ва уни
берилган жойи: _____

4. Яшаш жойи

вилоят _____

шаҳар (туман) _____

кўча _____

уй, квартира рақами _____

телефон _____

факс (агар мавжуд бўлса) _____

5. Маълумоти

Таълим муассасасининг номи _____

Мутахассислиги _____

Тамомлаган йили _____

6. Иш жойи ва лавозими _____

Тўлдирилган сана _____

Имзо _____

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси герби

**Ўзбекистон стандартлар институтида мутахассиснинг
Малака оширганлиги тўғрисида
СЕРТИФИКАТ**

_____ № _____
(серияси)

_____ (мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон стандартлар институтида _____ мавзусида
_____ даврида Малака ошириш курсида иштирок этди.

Директор: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ҳужжатнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
QR-код

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, ветеринария, карантин ва санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси герби

**Ўзбекистон стандартлар институтида мутахассиснинг
аттестациядан ўтганлиги ҳақида
ГУВОҲНОМА**

_____ № _____
(серияси)

Ушбу билан _____
(мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон стандартлар институтида аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади ва у мулкчилик шаклидан қатъий назар барча республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, ва бошқа ташкилотларнинг _____ соҳасида ишлаши тавсия этилади.

Гувоҳнома _____ гача амал қилади.
(йил, кун ва ой)

Аттестация
комиссияси раиси: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Хужжатнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошиси ва 2-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 майдаги 435-сон қарорининг 4-банди иккинчи хатбошиси.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-илованинг 5-банди «б» кичик банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 6 октябрдаги 577-сон қарорининг 4-банди олтинчи хатбошиси.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****113 Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3508*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПҚ–22-сон «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

- Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2024 йил 13 март,
133-сон

П. БОБОЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил 13 мартдаги
133-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан буён матнда Ички ишлар вазирлиги деб юритилади) идоравий илмий ташкилотларида (бундан буён матнда идоравий илмий ташкилотлар деб юритилади) илмий фаолиятни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

- Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 мартда эълон қилинган.

идоравий илмий ташкилотлар — Ички ишлар вазирлиги тизимида илмий фаолиятни амалга оширувчи Ички ишлар вазирлиги Академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади), Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти (бундан буён матнда Малака ошириш институти деб юритилади) ва Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш маркази (бундан буён матнда Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш маркази деб юритилади);

илмий ишланма — муаллифлар томонидан ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш учун тақдим этилган илмий-тадқиқот натижалари;

талабгор — идоравий илмий ташкилотларда илмий ва педагогик фаолият олиб бораётган ҳамда илмий унвон ёки илмий даража олишга даъвогар шахс.

2. Идоравий илмий ташкилотларда қуйидаги йўналишлар бўйича илмий фаолият ташкил этилади:

Академияда «тезкор-кидирув фаолияти», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти», «эксперт-криминалистика фаолияти», «жазони ижро этиш фаолияти», «пробация фаолияти», «хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш» ва «ташкилий-штаб фаолияти» йўналишлари;

Малака ошириш институтида «бошланғич касбий тайёрлаш», «махсус касбий тайёрлаш», «қайта тайёрлаш», «малака ошириш», «йўл-патруль», «паспорт тизимини таъминлаш», «жамоат тартибини сақлаш», «махсус операцияларни амалга ошириш» ва «маъмурий-хўжалик таъминоти» йўналишлари;

Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш марказида «йўл ҳаракати хавфсизлиги» йўналиши.

3. Идоравий илмий ташкилотларда илмий-тадқиқот лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

2-боб. Идоравий илмий ташкилотларда талабгорларга илмий даража ва илмий унвон бериш

4. Идоравий илмий ташкилотларда олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

5. Ички ишлар вазирлиги таркибий ва ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳар чорак якунида ўз хизмат фаолиятида юзага келган муаммоли масалалардан келиб чиқиб, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари мавзулари рўйхатини ёзма ёки электрон шаклда Академияга тақдим этади.

6. Академия фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари мавзуларини улар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ушбу мавзуларнинг долзарблиги ва амалий асосланганлиги бўйича ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижасига кўра, Академия фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари мавзуларининг ягона рўйхатини шакллантиради ва ушбу рўйхатни ҳар чорак якунлангандан сўнг йигирма кун ичида Академия расмий веб-сайтида эълон қилади.

Талабгорлар ушбу ягона рўйхатдаги мавзулардан бирини ихтиёрий равишда танлаб олган ҳолда диссертация тадқиқотини амалга оширади.

7. Талабгорларнинг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари химоясини ўтказиш Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) асосан амалга оширилади.

8. Талабгорларга фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) асосан амалга оширилади.

9. Талабгорларга доцент (катта илмий ходим) ва профессор илмий унвонларини бериш Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) асосан амалга оширилади.

3-боб. Илмий ишланмаларни ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш

10. Илмий ишланмаларни ички ишлар органлари фаолиятига жорий этишни ташкил этиш учун Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ичидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан ўн бир кишидан иборат таркибда Илмий ишланмаларни ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ташкил этилади.

Бунда:

Академия бошлиғи — Кенгаш раиси;

Малака ошириш институти бошлиғи — Кенгаш раиси ўринбосари;

Академия масъул ходими — Кенгаш котиби ҳисобланади.

11. Кенгаш фаолиятини доимий равишда жамоатчилик асосида амалга оширади.

12. Кенгаш йиғилиши унда Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганида ваколатли ҳисобланади.

13. Кенгаш йиғилиши ҳар ойда бир марта ўтказилади.

14. Кенгаш йиғилиши қарори у ўтказилган куннинг ўзида Кенгашнинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

15. Илмий ишланма ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилиши учун муаллиф илмий ишланмасини ушбу илмий ишланмаси тайёр бўлган куннинг ўзида Академия илмий-амалий журнали таҳририятига тақдим этади.

16. Академия илмий-амалий журнали таҳририяти муаллифнинг илмий ишланмаси келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида унда кўрсатилган маълумотларни ўрганиб чиқади.

17. Муаллифнинг илмий ишланмаси илмий мақолага қўйиладиган талабларга жавоб бермаса (муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олишга (плагиатга)

йўл қўйганлиги ёки сохта маълумотдан фойдаланганлиги аниқланган ҳолларда), Академия илмий-амалий журнали таҳририяти муаллифга камчиликларни бартараф этиб, илмий ишланмани қайта топшириши мумкинлиги тўғрисида у келиб тушган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилади.

18. Академия илмий-амалий журнали таҳририяти ўрганиш натижасига кўра илмий мақолага қўйиладиган талабларга жавоб берадиган илмий ишланмани у тақдим этилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда Академия илмий-амалий журналининг навбатдаги сонида чоп этилишини таъминлайди.

19. Академия чоп этилган илмий ишланмани у чоп этилган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида ички ишлар органларининг фаолиятига жорий этиш (қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш) учун Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий ёки ҳудудий тузилмасига тақдим этади.

20. Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий ёки ҳудудий тузилмаси илмий ишланмани у тақдим этилган вақтдан бошлаб олти ой ичида ички ишлар органларининг фаолиятига жорий этиш (қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш) чораларини кўради.

Бунда, муаллиф илмий ишланмани ички ишлар органларининг фаолиятига жорий этиш жараёнида экспертлик жиҳатидан кўмаклашади.

21. Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий ёки ҳудудий тузилмаси раҳбари илмий ишланма ички ишлар органларининг фаолиятига жорий этилган (қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилган) вақтдан бошлаб уч иш куни ичида бу тўғрисида маълумотномани тасдиқлайди ва уни кўриб чиқиш учун Кенгашга тақдим этади.

22. Кенгаш тақдим этилган маълумотномадаги фактларнинг ҳаққоний эканлигини у тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқади.

23. Кенгаш тақдим этилган маълумотномани кўриб чиқиш натижасига кўра қуйидаги хулосалардан бирини тасдиқлайди:

маълумотномадаги фактлар ҳаққоний бўлса, илмий ишланманинг ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилганлиги ҳақида;

маълумотномадаги фактлар ҳаққоний бўлмаса, илмий ишланмани ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш бўйича бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида.

24. Илмий ишланманинг ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилганлиги ҳақидаги хулоса Кенгаш томонидан Ички ишлар вазирлигининг бланкасида расмийлаштирилади ва унда қуйидаги маълумотлар баён этилади:

хулосанинг номи, рақами ва тасдиқланган вақти;

муаллифнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

илмий ишланма ички ишлар органларининг қайси фаолият йўналиши бўйича тайёрланганлиги;

илмий ишланманинг Академия илмий-амалий журналида эълон қилинганлиги;

илмий ишланмада ишлаб чиқилган муаллифлик таърифи, таснифи ёки таклифи;

таклифнинг жорий этилганлиги (қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги);

кутилаётган натижа.

25. Кенгаш котиби илмий ишланманинг ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилганлиги ҳақидаги хулосаларнинг ҳисобини тизимли равишда юритади.

Ушбу хулосалар алоҳида йиғмажилдда жамланади ва уларнинг рақами қатъий кетма-кетликда берилади.

Илмий ишланманинг ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилганлиги ҳақидаги хулосалар ҳар ой якунида Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади, бундан ёпиқ хулосалар мустасно.

26. Муаллифларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан беш нафар илмий даражага эга ички ишлар органлари раҳбар ходимларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Кенгаш аъзоларининг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

27. Кенгашнинг хулосасидан норози бўлган муаллифлар Кенгаш йиғилиши натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти беришлари мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган муаллифни шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

28. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган муаллиф мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

29. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

30. Апелляция комиссияси илмий ишланмани, илмий ишланманинг ички ишлар органларининг фаолиятига жорий этилганлиги (қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги) ҳақидаги маълумотномани ва хулосани ўрганиб чиқади.

31. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

Кенгашнинг илмий ишланмани ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш бўйича бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақидаги қарорини ўзгаришсиз қолдириш;

Кенгашнинг илмий ишланмани ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш бўйича бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақидаги қарорини бекор қилиш.

Кенгашнинг қарори бекор қилинган ҳолларда Кенгаш Апелляция ко-

миссиясининг қарори қабул қилинган куннинг ўзида илмий ишланманинг ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилганлиги ҳақидаги хулосани тасдиқлайди.

32. Апелляция комиссияси апелляция шикоят билан муружаат қилган муаллифга ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

33. Апелляция комиссияси қарори устидан муаллиф юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

4-боб. Идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари ва хизматчиларига қўшимча ҳақ белгилаш бўйича коллегиял органи ишини ташкил этиш

34. Идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари ва хизматчиларига қўшимча ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилади.

Бунда, идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари ва хизматчиларига қўшимча ҳақ белгилаш бўйича коллегиял органи (бундан буён матнда Коллегиял орган деб юритилади) Академия кенгаши ҳисобланади.

35. Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий илмий ташкилотлар ходимлари ва хизматчиларининг аризаларини умумлаштириш ва Коллегиял орган йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия (бундан буён матнда Ишчи комиссия деб юритилади) таркиби ҳар йили декабрь ойида Коллегиял орган қарори билан етти кишидан иборат таркибда тасдиқланади.

36. Ишчи комиссия таркиби Академия бошлиғининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари ва мутахассислик кафедралари бошлиқлари ҳисобидан шакллантирилади.

37. Идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари ва хизматчилари ҳар ойнинг ўнинчи санасига қадар Ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади:

қўшимча ҳақ белгилаш ҳақида ариза;

бевосита раҳбарининг тақдимномаси;

бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва нашр этилган илмий, ўқув, услубий ишланмалар нусхалари.

38. Ишчи комиссия ҳар ойнинг йигирманчи санасига қадар:

қўшимча ҳақ белгилаш ҳақида келиб тушган аризаларни умумлаштирилади;

бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва нашр этилган илмий, ўқув, услубий ишланмалар нусхаларини ўрганади;

қўшимча ҳақ белгилаш ёки уни белгилашни рад этиш ҳақида хулоса қабул қилади.

39. Идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари

ва хизматчилари томонидан бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва нашр этилган илмий, ўқув, услубий ишланмалар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарори билан тасдиқланган Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2, 3-бобларида белгиланган талабларга мувофиқ келмаган ҳолларда Ишчи комиссия унга қўшимча ҳақ белгилашни рад этиш ҳақида хулоса қабул қилади.

Ишчи комиссия ариза билан мурожаат қилган ходимни (хизматчини) ўз қарори ҳақида у қабул қилинган куннинг ўзида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

40. Ишчи комиссия қўшимча ҳақ белгилаш ҳақида хулоса қабул қилган ҳолларда ушбу хулоса қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида уни кўриб чиқиш учун Коллегиал органга тақдим этади.

Коллегиал орган Ишчи комиссия хулосаси келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида ушбу хулосадаги маълумотларни (қўшимча ҳақ белгилаш миқдори ва муддатини) кўриб чиқиб, идоравий илмий ташкилотларнинг илмий даражага эга ходимлари ва хизматчиларига қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Академия Коллегиал органнинг қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги қарори нусхасини ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ваколатли раҳбарга (ариза билан мурожаат қилган ходим ёки хизматчига қўшимча ҳақ тўлаш ҳақидаги буйруқни қабул қилиш ваколатига эга мансабдор шахсга) тақдим этади.

Коллегиал органнинг қарори асосида ушбу қарор тақдим этилган кундан бошлаб бир ой муддатда ваколатли раҳбар ариза билан мурожаат қилган ходим ёки хизматчига қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

41. Ички ишлар органларининг илмий ташкилот ҳисобланмаган тузилмалари илмий даражага эга ходимлари, хизматчилари, ҳарбий хизматчилари ва Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасига киритилган ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарори билан тасдиқланган Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 26-бандида ва ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

42. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

114 **Профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3509*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги ПҚ–200-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **қарор қилади:**

1. Профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 59/ҚҚ ва 27-Қ/Қ-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталари учун намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2830, 2016 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 472-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири**

К. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 февраль,
3-к/қ-сон

**Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазири**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 февраль,
3-2024/qq-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 29 февралдаги 3-қ/қ ва 3-2024/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

Профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган ВАҚТ МЕЪЁРЛАРИ

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1.	Ўқув амалиётини (модул амалий машғулотини) ўтказиш ва ишлаб чиқариш амалиётига (квалификация амалиётга) раҳбарлик қилиш	1-боб. Ўқув юкламасининг назарий ва амалий компонентлари — 600 соат (модул амалий машғулотининг) 1 академик соат машғулоти учун 1 соат; Ўтказилган ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларининг (квалификация амалиётининг) 1 академик соат машғулоти раҳбарлик учун 1 соат.	Ўқув машғулоти журнали асосида.
2.	Ўқув амалиётини (модул амалий машғулотини) ва ишлаб чиқариш амалиётларини (квалификация амалиётни) ўтказишга тайёрланиш	2-боб. Ишлаб чиқариш таълимини амалга ошириш — 960 соат* Ҳар бир кунлик ўқув амалиётига (модул амалий машғулоти)га тайёргарлик кўриш учун — 2 соат. Ҳар бир кунлик ўқув амалиётни (модул амалий машғулоти) учун зарур хом ашё ва материалларни қабул қилиб олиш, уларни тайёрлаш ва хисобини юритиш учун — 1 соат. Ҳар бир фан (модул) ўқитиш материаллари тўпламлари ёки рақамли таълим ресурс материалларини ишлаб чиқиш учун ўқув режада ўқув йили учун белгиланган соатнинг — 100 фоизи, Республика миқёсида оммалаштириш учун — 120 фонзи ажратилади. Ўқитиш материаллари тўпламлари ёки рақамли таълим ресурс материалларини такомиллаштириш учун ўқув режада ўқув йили учун белгиланган соатнинг 50 фоизи ажратилади.	Ишчи ўқув режада ишлаб чиқариш таълим устасига ажратилган ўқув амалиётлари бўйича белгиланган соат бўйича ҳисобланади. Бош уста ва ишлаб чиқариш таълими устасининг талабнома, қайднома, далолатнома ва билдиргиси асосида. Профессионал таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган ўқитиш материаллари тўпламлари асосида. Ҳаммуаллифликда тайёрланган ўқитиш материаллари тўпламлари муаллифлар ўртасида тенг тақсимланади. Рақамли таълим ресурс материаллари ишлаб чиқилган ва Республика миқёсида оммалаштирилган ўқитиш материаллари тўпламлари Профессионал таълимни ривожлантириш институтининг тегишли муаллифлик гувоҳномаси асосида.

3.	Очк дaрслaр ёки мaстер-клaсслaргa тaйёрлaрлик кўриш вa ўткaзиш	Бир очк дaрс учун — 10 соaт; Бир мaстер-клaсс учун — 20 соaт; Мaстер-клaсслaрни оммaвий aхборот вoситaлaригa ёритиш — 40 соaт.	Директор ўринбoсaри тoмонидaн тaсдиклaнган гpaфик aсoсидa. Бир ўкyв йилидa очк дaрс учун — 40 соaт вa мaстер-клaсслaр ўткaзиш учун — 80 соaтдaн oшмaслиги керaк.
4.	Қoлдиргaн (ўзлaштирмaгaн) aмaлий мaшгyлoтлaрни (кaйтa тoпширишни) кaбул қилиш	Қoлдирилгaн (ўзлaштирилмaгaн) aмaлий мaшгyлoтлaрни (кaйтa тoпширишни) кaбул қилишдa ҳaр бир ўкyвчи учун — 0,3 соaт. Бир ўкyв йилидa кўпи билaн 30 соaт; Бир ўкyвчидaн ишлaб чиқaриш aмaлийёти (квaлификaцион aмaлийёт) yқуни бўйичa ўкyвчилaрдaн ҳисoбoтини кaбул қилиш учун — 1 соaт.	Ўкyв мaшгyлoти жyрнaли aсoсидa.
5.	Ўкyв aмaлийётини (мoдул aмaлий мaшгyлoтни) тaхлил қилиш	Бир ўкyв aмaлийёти (мoдул aмaлий мaшгyлoти) учун — 6 соaт; Бир ўкyв йили дaвoмидa кўпи билaн 60 соaт.	Директор ўринбoсaри тoмонидaн дaрс тaхлили бўйичa ўкyтивчилaрдaн тўплaнган ҳyлoсaлaр yқунигa кўрa ўткaзилгaн йнгилиши бaёни.
6.	Кaсбий-аmaлий имтихонлaрни ўткaзиш	Кaсбий фaн (мoдуллaр мaжмyаси бўйичa дaвлaт имтихoни учун сaвoллaр тўплaмини ишлaб чиқилишдa иштирок этиш учун — 10 соaт; Бир гyрyх ўкyвчилaригa кaсбий-аmaлий имтихонлaрни тoпшириклaрини ишлaб чиқиш учун — 15 соaт; Бир гyрyх ўкyвчилaрининг иш ўринлaрини тaйёрлaш учун — 20 соaт; Бир гyрyх ўкyвчилaригa мaслaхaт бeриш учун — 12 соaт.	Тaълим мyссaсaси пeдaгoгик кeнгaшининг қaрoригa бинoaн.
7.	Ўкyвчилaрни кaсб бўйичa тaшкил этилгaн тaнлoвлaргa тaйёрлaш	Кaсбий-аmaлий имтихонлaрни ўткaзишдa иштирок этгaн ҳaр бир кyн учун — 6 соaт. Тyмaн миқёсидa иштироки учун — 40 соaт; Вилoят миқёсидa иштироки учун — 80 соaт; Республикa миқёсидa иштироки учун — 120 соaт.	Кaсбий-аmaлий имтихонлaрни бaённoмaси aсoсидa. Профeссионaл тaълим мyссaсaси рaхбaрининг бўйрyғи вa тaнлoвдa эгaллaгaн ўринни тaсдиқлoвчи ҳyжжaтлaр aсoсидa. Бундa, соaтлaрни ҳисoбгa олишдa ишлaб чиқaриш тaълими yстaси тoмонидaн эришилгaн нaтижa (нaтижaлaр) учун нaзaрдa тyтилгaн соaтлaрининг энг юкoри бўлгaн биттaси инобaтгa oлинaди.
8.	Умyмий ўртa тaълим тaшкилoтлaри ўкyвчилaри, шyнингдeк кaтгa ёшлaгилaр ўртaсидa кaсбгa йўнaлтириш бўйичa тaрғибoт-тaшвиқoт ишлaрини олиб бoриш	Бир тaрғибoт-тaшвиқoт ишлaри учун — 4 соaт; Бир ўкyв йили дaвoмидa кўпи билaн — 40 соaт.	Профeссионaл тaълим мyссaсaсининг рaхбaри тoмонидaн тaсдиқлaнган гpaфик aсoсидa вa aмaлдa бaжeрилгaн ишлaр бўйичa директор ўринбoсaрининг билдиргиси aсoсидa.

9.	Ўқувчиларни мустақил таълим ишлари бўйича баҳолаш	Бир ўқув йилида кўпи билан 80 соат ажратилади (хар бир ўқувчи учун — 0.4 соат)	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
10.	Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва/ёки такомиллаштириш ишларида иштирок этиш	Бир касб ёки мутахассислик учун таълим дастурини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун — 150 соат; такомиллаштиришда иштирок этиш учун — 50 соат. Бир фан (модул) ёки амалиётнинг намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун — бир фан (модул) ёки амалиёт юқламаси жами соатлар миқдорининг 25 фоизи, такомиллаштириш учун — 15 фоизи. Бир фан (модул) ёки амалиётнинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун — бир фан (модул) ёки амалиёт юқламаси жами соатлар миқдорининг 20 фоизи, такомиллаштириш учун — 10 фоизи.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буйруғи ёки топшириғи ҳамда иштирок этганлиги тўғрисидаги хат асосида.
11.	Касблар бўйича тўғарақлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш	Бир тўғарақ учун — 60 соат.	Профессионал таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан. Бир ўқув йилида 120 соатгача ажратилади.
12.	Ишлаб чиқариш таълими усталари ўртасида ўтказиладиган танловда иштирок этиш	Туман миқёсида иштироки учун — 40 соат; Вилоят миқёсида иштироки учун — 80 соат; Республика миқёсида иштироки учун — 120 соат.	Профессионал таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи ва танловда эғаллаган ўринни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида. Бунда, соатларни ҳисобга олишда ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан эришилган натижа (натижалар) учун назарда тутилган соатларнинг энг юқори бўлган биттаси инобатга олинади.
13.	Битирув малакавий ишлари раҳбарлик қилиш, маслаҳат ва тақриз бериш. Яқуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш	Ҳар бир битирувчига — 8 соат, жами 120 соатгача ажратилади. Ҳар бир битирувчининг битирув малакавий ишига тақриз бериш — 1 соат. Яқуний давлат аттестация комиссияси бир қўнлик иштироки учун — 6 соат.	Профессионал таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида.

3-боб. Тарбиявий ишларни амалга ошириш — 80 соат*				
14.	<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 33%; vertical-align: top;"> <p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш ва уларда иштирок этиш</p> </td> <td style="width: 33%; vertical-align: top;"> <p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференцияларни куйидагича ташкил қилиш:</p> <p>республика миқёсида — 60 соат; вилоят (шахар) миқёсида — 40 соат; профессионал таълим муассасида — 20 соат.</p> <p>Бир кўрик танлов, семинар, кўргазмаларда, тренинг ва конференцияларда иштирок этиш учун — 6 соат.</p> </td> <td style="width: 33%; vertical-align: top;"> <p>Профессионал таълим муассаси раҳбарининг тегишли буйруғи ва ўтказилган тадбирлар баённомаси асосида.</p> </td> </tr> </table>	<p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш ва уларда иштирок этиш</p>	<p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференцияларни куйидагича ташкил қилиш:</p> <p>республика миқёсида — 60 соат; вилоят (шахар) миқёсида — 40 соат; профессионал таълим муассасида — 20 соат.</p> <p>Бир кўрик танлов, семинар, кўргазмаларда, тренинг ва конференцияларда иштирок этиш учун — 6 соат.</p>	<p>Профессионал таълим муассаси раҳбарининг тегишли буйруғи ва ўтказилган тадбирлар баённомаси асосида.</p>
<p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш ва уларда иштирок этиш</p>	<p>Спорт, маданий-матрифий тадбирлар, кўрик танловлар, семинар, тренинг ва конференцияларни куйидагича ташкил қилиш:</p> <p>республика миқёсида — 60 соат; вилоят (шахар) миқёсида — 40 соат; профессионал таълим муассасида — 20 соат.</p> <p>Бир кўрик танлов, семинар, кўргазмаларда, тренинг ва конференцияларда иштирок этиш учун — 6 соат.</p>	<p>Профессионал таълим муассаси раҳбарининг тегишли буйруғи ва ўтказилган тадбирлар баённомаси асосида.</p>		

Изоҳ:

* Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрларига ва бўлимлар учун белгиланган соатлар ҳажмига профессионал таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан ўзгартириши киритилиши мумкин. Бунда, умумий соатлар миқдори (1640 соат) доирасида, бўлимлар учун ажратилган соатлар миқдорига 30 фоизгача ўзгартириши киритилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари ўқув йилдаги 1640 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Ўқувчиларни касб бўйича ташкил этилган халқаро миқёсдаги танловларга иштироки учун — 1000 соат ажратилади.

Ишлаб чиқариш таълими усталари ўртасида ўтказиладиган халқаро миқёсдаги танловда иштироки учун — 500 соат ажратилади. Фаолиятига доир маҳсулотлар ва хизматларини халқаро миқёсда кўргазмаларда намоиши этганлиги учун — 500 соат ажратилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

115 Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундирилдиган тўловлар ставкаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон «Автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2303, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 552-модда) тасдиқланган Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундирилдиган тўловлар ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2024 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2024 йил 31 март,
164-сон

П. БОБОЖОНОВ

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

2024 йил 30 март

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил 31 мартдаги
164-сон буйруғига
ИЛОВА

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автотототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

7. Электромобиллар, мототранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари тиркамаларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун	—	базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида
--	---	---

».

2. Қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«

7 ¹ . Электромобиллар, мототранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари тиркамаларидан бошқа барча автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун	—	базавий ҳисоблаш миқдорининг 6,84 баравари миқдорида
--	---	--

».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

И. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 13 мартдаги 133-сон «Ички ишлар органларида илмий фаолиятни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2024 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3508.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 29 февралдаги 3-қ/қ ва 3-2024/ққ-сон «Профессионал таълим муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарининг намунавий йиллик иш режаси ҳамда уларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2024 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3509.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 31 мартдаги 164-сон «Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартириш ва қўшимча кириштириш тўғрисида»ги буйруғи.

2024 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 15 августдаги 59/ҚҚ ва 27-Қ/Қ-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталари учун намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2830, 2016 йил 5 октябрь).

2024 йил 30 мартда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.